ПАРТИЯ ВА ХАЛҚ МОНОЛИТ БИРЛИГИНИНГ ЁРҚИН НАМОЙИШИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-йил чиқиши
№ 54 (12.407)

Сешанба, 5 март 1963 йил

Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ БАРЧА ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАРИДА ЮКСАК СИЁСИЙ КЎТАРИНКИЛИК РУҲИДА ЎТДИ. РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ МЕҲНАТКАШЛАРИ ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРИ УЧУН, ОНА-ВАТАНИМИЗ ҚУЧ-ҚУДРАТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ВА КОММУНИЗМ ТАНТАНАСИ УЧУН ЯКДИЛЛИК БИЛАН ОВОЗ БЕРДИЛАР.

БУЮК БИРДАМЛИК

Ўтган якшанба куни Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловлар бўлиб ўтди. Сайловлар баҳор лабосига бурканган серқуёш ўлкамизнинг ҳамма ерида умумхалқ шодиёнасига, совет демократиясининг, коммунистлар ва партиясизлар мустаҳкам блокининг порлоқ тантанасига айланди.

Республикамиз Олий Советига ва маҳаллий Советларга ўтказилган сайловлар Коммунистик партиямиз XXII съездининг илҳомбахш тарихий қарорларини, Совет Иттифоқида коммунизм қурилишининг улуғвор Программасини амалга ошириш учун қураш белгиси остида, меҳнаткашларнинг сиёсий ҳамда меҳнат кўтаринкилиги ҳар қачонгидан ҳам барқ урган бир шароитда ўтди. **«Съезднинг ҳужжатлари, партиянинг Программаси,** — деди ўртоқ Н. С. Хрушчев Москва шаҳар Калинин сайлов округи сайловчиларининг йиғилишида сўзлаган нутқида. — **бамисоли шундай улкан машъалларидирки, бу машъаллар коммунистик қурилиш улуғ ишини илмий план асосида олиб боришимизга имкон бермоқда».**

Ҳа, дарҳақиқат шундай! Буни биз Ўзбекистон меҳнаткашларининг азамат етти йилликнинг бешинчи йили улкан режаларини ижодий, яратувчилик меҳнати билан амалга ошираётганларида яққол кўриб турибмиз. Ўз гражданлик бурчини бажариш учун сайлов участкалари томон оппоқ ишчи ҳам, деҳқон ҳам, интеллигент ҳам сайлов бюллетенларини олар экан, энг аввало коммунизм ғалабаси учун, ана шу жамиятни рўёбга чиқаришнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси ленинчи Коммунистик партия учун, она-Ватаннинг гуллаб яшнаши учун овоз бераётганини тўла ҳис этди.

Сайловларга юксак меҳнат ютуқлари билан кутиб олган сайловчилар ўз сафларида туриб ҳалол, фидокорона меҳнат қилишда намуна кўрсатаётган ишчан, ташаббускор ишлаб чиқариш новаторлари, илғор колхозчилар, кўзга кўринган фан ва маданият арбоблари, партия ва давлат раҳбарлари, касаба союз, комсомол ходимларига катта ишонч билдирди, уларни давлат ҳокимияти органларига яқдиллик билан вакил қилиб сайлашди.

Халқ номзодлари учун қувонқувона овоз берган сайловчиларнинг қалб сўзлари кишини ниҳоятда ҳаяжонлантиради.

Транспортчилар катта армиясининг жуда кўп вакиллари Тошкент темир йўлчилар саройида овоз беришди. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига бу ерда овозга қўйилган номзодни ҳамма яхши билади. У — тепловоз машинистининг ёрдамчиси София Саидовадир. Бу камтар меҳнаткаш темир йўлчиларга ишга ижобий муносабатда бўлиш, ўз билимини ва профессионал маҳоратини узлуксиз такомиллаштиришнинг муносиб намунасини кўрсатди.

— Ҳар биримиз София Саидова учун яқдиллик билан овоз бердик. У, халқимизнинг чинакам хизматкори бўлади. Республика парламентида биз, темир йўлчиларнинг муносиб вакили сифатида қатнашади, — деди транспортчиларнинг умумий фикрини ифодалаб Тошкент темир йўл бўлимининг инженери Наби Рихсиев.

— Коммунистик партия ва Совет ҳукумати қишлоқ хўжалигини беқиёс даражада ривожлантириб, эл дастурхонини мўл-кўл қилишга, қишлоқ маданиятини юксалтиришга доимо катта эътибор беряпти лар, — деди Вобкент ишлаб чиқариш бошқармасидаги Энгельс номли колхознинг бригада бошлиғи Рустам Хошимов. — Ўтган олти йил ичида мамлакатимизнинг қишлоқ жойларидагина 3,8 миллиондан кўпроқ уй-жой биноси қад кўтарганлиги деҳқонларга қилинаётган оталарча ғамхўрликнинг яққол мисоли бўла олади. Мен деҳқоннинг бадавлат, маданий ҳаёт кечириши тўғрисида чинакам ғамхўрлик қилаётган жонажон партиямиз учун, севикли Ватанимиз учун овоз бердим.

Қалб амри билан айтилган бундай илиқ миннатдорчилик туйғулари юзлаб, минглаб келтириш мумкин. Бу туйғулар республикамиз меҳнаткашларининг кўп миллатли улуғ Советлар оиласининг тенг ҳуқуқли ўлкаси — Совет Ўзбекистонининг экономика ва маданиятини янада юксалтириш учун курашга бутун талантлари, қобилиятлари, куч-қувватларини сафарбар этишга бағишлаганликларининг яққол ифодасидир. СССР халқларининг ленинча дўстлиги даврасида камол топаётган, кун сайин гуллаб-яшнаётган республикамиз меҳнат аҳлининг бутун фикр-зикри, қалб ҳарорати коммунизм ишига зўр садоқат билан хизмат қилишга қаратилган.

Депутат — халқ хизматкори. Депутатнинг фаолияти унинг жамоий яратувчилик меҳнати, ташкилотчилик қобилияти, жамият манфаати, бахт-саодати йўлида қиладиган ҳалол меҳнати билан ўлчанади. Халқимиз ўз ишончини оқлашга қодир бўлган, худди ана шундай хислатларни ўзида тўла мужассамлаштирган коммунист ва партиясизларни республикамиз ҳокимиятининг олий органига ҳамда маҳаллий Советлар депутатлигига сайлаганлиги билан чексиз фахрланади.

Сайловлар коммунизм моддий-техника базасини яратиш учун кураш мусобақаси ғоятда кенг кўламда авж олиб кетган шароитда ўтди. Республикамиз саноати ҳозирининг жуда катта армияси етти йилликнинг бешинчи йили планини муддатидан илгари ошириб бажариш учун кураш мусобақасини кенг авж олдириб юборди. Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг ҳали бу йил 3 миллион 566 минг тонна пахта етиштириб, Коммунистик партия ва совет халқи олдидаги ўз интернационал, ватанпарварлик бурчини тўла адо этишдир. Қишлоқ хўжалигининг азамат жонкуярлари КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларини тўла амалга ошириш учун кураш байроғини янада баланд кўтариб, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олишга астойдил бел боғлаган.

Ҳозир дала меҳнаткашлари баҳорги экин кампаниясини оммавий бошлаб юборишга шайланмоқдалар. Чин маъносида халқ хизматкори бўлган депутатлар баҳорги экиш кампаниясини қисқа муддатларда ва сифатли ўтказишнинг ташаббускорлари ва ташкилотчилари бўлишлари ҳеч шубҳасиздир.

Республикамиз Олий Совети ва маҳаллий Советларга зўр сиёсий ва меҳнат активлиги руҳида ўтган сайловлар партия ва халқ монолит бирлигининг ажойиб намойишига айланди. Овоз беришда қатнашган барча сайловчилар халқимизни янгидан-янги ғалабалар сари комил ишонч билан бошлаб бораётган Коммунистик партияга, Совет ҳукуматига нисбатан бўлган чексиз муҳаббатларини яна бир бор баралла изҳор этдилар. Сайловлар коммунистлар билан партиясизлар мустаҳкам блокининг, совет демократиясининг, тинч ижодий меҳнат таронасининг, халқларимиз улуғ дўстлигининг буюк тантанаси бўлди.

«ОҚ ОЛТИН»НИ ТОБОРА КЎПАЙТИРИШ УЧУН

ЯНГИҚЎРҒОН, (телефон орқали). Шу баҳор айёмида мамлакатга мўл-кўл «оқ олтин» етказиб бериш учун курашаётган янгиқўрғонликлар коммунистлар билан партиясизлар блоки номзодларини яқдил бўлиб ёқлаб овоз бериш билан партия ва ҳукуматимизга чексиз садоқатларини яна бир марта намойиш қилиб кўрсатдилар.

Андижон қишлоқ область Советига сайлов ўтказувчи 225- участка сайлов комиссиясининг раиси ўртоқ А. Ғозиев соат олтида ҳозир бўлган сайловчиларни умумхалқ байрами билан қизғин табриклаб, овоз беришга таклиф қилди.

«Октябрь» колхози комплекс механизациялашган бригадасини н г бошлиғи Жўрабой Тожибоев ҳар ишда биринчи. У бошлиқ бригада бултур 82 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил кўтарди. Бу йил илғор бригада аъзолари гектаридан камида 40 центнердан пахта топширамиз деб кўклам экишига яхши ҳозирлик кўряпти. Ер бир текис ҳайдаб қўйилди. Гектар ҳисобига 10 тоннадан маҳаллий ўғит жамғариб, дала бошига чиқарилди. Ана шу бригада раҳбари ўртоқ Тожибоев биринчи бўлиб овоз берар экан, бундай деди:

— Бу йил республикамиз севикли мамлакатимизга 3 миллион 566 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериши керак. Мен коммунистлар билан партиясизлар номзодларини ёклаб овоз бериш билан мамлакатга тобора кўпроқ пахта топшириш учун овоз бермоқдаман.

Сут соғувчи Ўринби Ражабова, кекса коммунист Низомиддин Баноев, ёш педагог Рислиқой Раҳимова ва бошқалар ҳам биринчилар қаторида овоз бердилар.

Эрта соат ўнгача сайловчиларнинг 96 процента ўз гражданлик бурчини адо этди. Участка сайловчилари Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод, «Москва» колхозининг раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Раҳматилла Ортиқов, район Совети депутатлигига номзодлар — моҳир механик-ҳайдовчи Карима Аҳмедова, пилла чилик агрономи Мамлакат Ортиқова ўртоқлар учун бирдамлик билан овоз бердилар.

О. МЎМИНОВ.

СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ КАТТА БАЙРАМИ

Мамлакатимиздаги тўққизта иттифоқчи республиканинг шаҳарлари ва қишлоқлари 3 мартда ёркин байрам либоси билан безанди.

Шу куни РСФСРда, Украинада, Белоруссия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Молдавия, Латвия, Тожикистон ва Туркманистонда иттифоқчи ва автоном республикаларнинг Олий Советларига ҳамда халқ депутатларининг маҳаллий Советларига сайловлар бўлиб ўтди.

Сайлов арафасидаёқ Москва кўчалари қизил байроқлар, алвон транспарантлар билан товланди. 3 март эрталабдан бошлаб эса ҳамма нарса — кўчаларда янграб турган музика ва қўшиқлар, москваликларнинг кийимлари, ҳайдон чеҳралари байрам шодлигидан далолат бериб турди.

Калинин сайлов округида КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Никита Сергеевич Хрушчев РСФСР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилди.

...Калинин сайлов округининг 33-участкаси. Пойтахтнинг бошқа сайлов пунктларида бўлгани каби бу ерда ҳам тантана ва байрам нашъаси ҳукмрон. Бу ишчи районининг аҳолиси овоз бермоқ учун ўз оилалари билан келмоқда. «Серп и молот» заводининг энг яхши ишчиларидан бири Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Г. Гусаров эрталаб роса соат 6 да биринчи бўлиб сайлов бюллетенини олди ва уни кутига солди. У кейинги икки ой ичида пландан ташқари 120 тонна пўлат эритди. Бу — илғор ишчининг сайловларга қилган совғаси бўлди.

Округ сайлов комиссиясига тўлқинлантирувчи телеграммалар келиб турди. Улуғ Ватан урушининг инвалиди М. Абрамов Қримдаги Судак шаҳридан юборган телеграммасида: «Судакда овоз бераётган бўлсам ҳам, бу билан мен ўзимни Н. С. Хрушчев учун овоз бераётгандек ҳис қилаётирман» деб хабар қилди. О. Я. Кожарина ҳам Боқудан юборган телеграммасида мени ўртоқ Н. С. Хрушчев учун овоз берган деб ҳисоблашларингизни илтимос қиламан, деди.

Ленин шаҳридаги 1.637 та сайлов участкасининг эшиклари кенг очилди. Тилларда достон бўлиб қолган «Аврора» кемасида байроқ кўтарилиши билан Ленинградда катта байрам бошланиб кетди. Уйларнинг пештоқларида — Владимир Ильич Ленининг, партия ва ҳукумат раҳбарларининг портретларини, транспарантларни, панноларни кўриш мумкин. Нева бўйидаги бу шаҳарнинг меҳнаткашлари республика Олий Советига йигирма уч депутат сайладилар.

Ленинград сайловчиларининг катта кўпчилиги куннинг биринчи ярмидаёқ сайлов участкаларига келиб, ўз бурчларини адо қилиб бўлдилар.

Узоқ Чукотка сайловчилари Россия Федерациясида энг биринчи бўлиб сайлов участкаларига келдилар. Ванкарем посёлкасида колхозчи Теркинто ва қутб станциясининг ишчиси Скрябина биринчи бўлиб сайлов бюллетенларини қутига солдилар. Посёлкадаги сайловчиларнинг ҳаммаси икки соат ичида батамом овоз бериб бўлди.

Индустрия марказларидан бўлган Свердловск шаҳри... Энг кекса Верх-Исетск металлургия заводининг металлурглари овоз берадиган сайлов участкаларида одам кўп бўлди. Заводда 50 йил ишлаган 79 яшар пенсионер В. И. Гаврилов 19-сайлов участкасида ўзининг бюллетенини биринчи бўлиб сайлов қутисига солди.

Краснодар ўлкасининг Усть-Лабинск ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ленин номли колхоз ғаллакорлари сайлов участкасига баҳорнинг биринчи очилган гулларини кўтариб келдилар. Бу участка колхоз правлениесининг биносида жойлашган. Колхознинг дала мудирлари, механизаторлари ва чорвадорлари мана шу бинода тўпланиб, етти йилликнинг бешинчи йили учун ўз зиммаларига оладиган янги мажбуриятларни биргалашиб тузган эдилар. Энди уларнинг бу мажбуриятлари бутун мамлакатга маълум.

Колхоз раиси В. С. Соболенко бундай деди:

— Артелимиз меҳнаткашлари бугун икки ёқлама байрам қилмоқдалар — бугун биз ўзимизнинг халқ ҳокимиятимизни сайламоқдамиз ва баҳор байрамини нишонламоқдамиз. Ҳамма далага чиқишга тайёр. Бу йил Ватанимиз Усть-Лабинск ғаллакорларидан миллион пудлаб ғалла олади.

(Охири иккинчи бетда).

АМЕРИКА-СОВЕТ ДЎСТЛИГИ МИЛЛИЙ КЕНГАШИГА

Америка-Совет дўстлиги Миллий кенгашини унинг ташкил топганига 20 йил тўлиши муносабати билан қизғин табриклайман.

Совет ва Америка халқлари умумий душманга қарши ёнма-ён туриб кураш олиб борган йилларда, Совет-Америка дўстлиги мамлакатларимизнинг манфаатлари ва умумий тинчлик йўлида муваффақиятли ривожланиб ва мустаҳкамланиб борган пайтда тузилган Миллий кенгаш Совет ва Америка халқлари ўртасида дўстликни ривожлантириш учун, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун ҳамиша курашиб келди ва курашмоқда.

Тинчлик ишига душман кучлар мамлакатларимиз халқларининг дўстлиги традицияларини унутториб юборишга ҳамда Совет ва Америка халқлари ўртасига ғов солишга уринаётган ҳозирги вақтда Кенгашнинг бу фаолияти айниқса катта аҳамият касб этади.

Совет кишилари Сизнинг ташкилотингизнинг олижаноб фаолиятини юксак қадрлайдилар, чунки улар халқларимиз ўртасидаги дўстлик қанчалик маҳкам бўлса, ер юзида тинчлик шунчалик мустаҳкам бўлишини биладилар.

Миллий кенгашга унинг Америка Қўшма Штатлари ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантириш мақсадидаги ишида муваффақиятлар тилайман.

Ҳурмат билан

Н. ХРУШЧЕВ.

1963 йил, 3 март.

РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

3 мартда кечқурун Союзлар уйида РСФСР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг раиси Т. Н. Николаева Россия Федерациясида овоз беришнинг бориши ҳақида ахборот берди.

РСФСР Олий Советига сайловлар ҳамма ерда маҳаллий вақт билан эрталаб роса соат 6 да бошланди.

3 март кундуз соат 12 га қадар умуман Россия Федерациясида сайловчиларнинг 77,57 процента, соат 18 га қадар эса 98, 88 процента овоз бериб бўлди.

Овоз беришнинг якунлари ҳақида Марказий сайлов комиссиясига келган дастлабки маълумотлар РСФСР Олий Советига сайлов меҳнаткашларнинг юксак активлиги ва уюшқоқлиги вазиятида ўтганлигидан далолат беради.

Сайлов куни партия билан халқ бирлигининг ёркин намойиши бўлди. (ТАСС).

ХАЛҚ ФАРЗАНДЛАРИ

Тўй устига тўй. Умумхалқ шодиёнаси сайлов арафасида бошланган эди. Чўгдек алвонга чўмган ёруғ, кенг биноларда бутун тун бўйи қизғин суҳбатлар, ўйин-кулгилар давом этди. Мана «Октябрь» колхозининг муҳташам клуби. Бу ерга жуда кўп сайловчилар тўпланишган. Шу колхознинг соҳибкори, мўл ҳосил устаси Умар ота Алиев ўз ҳамқишлоқлари билан суҳбатлашарди. У ярим кечаси бу ерга ўғил-қизлари, невералари билан келди. Умар ота соат 6 деганда бюллетенларни биринчи бўлиб олди-да, дадил одим ташлаб сайлов қутиси олдига келди ва бюллетенларни қутига ташлади.

Азиз, муътабар отадан кейин ўз гражданлик бурчларини бажариш учун сайлов участкасига келаётганларнинг кети узилмасди. Улар ўзлари севган, юксак ишонч билдирган ўғил-қизларини республикамиз олий органи ва маҳаллий Советларга депутат қилиб сайладилар. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод Николай Николаевич Банашовни қишлоқ меҳнаткашлари яхши биладилар. Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг ўқитувчи-профессори ўртоқ Банашов картошка ва сабзавот уруғчилигини яхшилашда кўп хизмат қилди. У ўзининг бутун фаолиятини қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга бағишлаган кишидир.

— Биз деҳқончилик билан боғлиқ бўлган ҳамма масалаларда Николай Николаевичдан маслаҳатлар олиб турамиз, — дейди «Назарбек» совхозининг механиги Асад Раҳимов. Унинг кўп ҳосил берадиган уруғ навларини етиштиришда қилаётган самарали ишлари ҳаммамизга аён.

«Назарбек» совхозининг ишчилари Тошкент қишлоқ область Советига тракторчи Эргаш Хўжамбердиевни, ишлаб чиқариш новатори Рихси Турғунбоевани вакил қилиб юбордилар. Бу ҳар икки ватанпарвар ўрта мактабни тугаллагач, совхозда ишлай бошлашди ва меҳнатда, коллективнинг жамоат фаолиятида актив қатнашиб ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлишди.

Район меҳнаткашлари Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кўрсатилган «Қизил Ўзбекистон» колхозининг бригадири, пахтадан юқори ҳосил етиштиришда жонбозлик ва моҳирлик кўрсатаётган Анвар Эгамназаров, «Ўзбекистон» колхозининг донгдор сут соғувчиси Мунаввар Исоқова, шоира Зулфия ва бошқа ўртоқларнинг номзодлари учун яқдиллик билан овоз бердилар.

Калинин районининг меҳнаткашлари сайлов кунини меҳнатда катта муваффақиятларга эришган ҳолда кутиб олдилар. Колхоз ва совхозларнинг деярли ҳаммаси бутун майдонларни экишга ҳозирлаб қўйди.

Калинин районидаги ҳамма сайлов участкаларида 3 март куни кундуз соат 12 гача сайловчиларнинг 95 процента овоз бериб бўлди. Улар коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз берар эканлар, қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш, эл дастурхонини ноз-неъматлар билан тўкин-сочин қилиш, колхоз ва совхозлар экономикасини янада ривожлантириш учун овоз бердилар.

М. ЭМИНОВ.

КЕЧА, 4 МАРТДА

Болгария Туркия асоратидан озод қилинганига 85 йил тўлганлиги муносабати билан Стара-Планина тоғидаги тарихий Столетов чўққисида — рус жангчилари ва болгар ашкарлари туркларга қарши жанглар олиб борган жойда болгар-совет дўстлиги слёти бўлди.

●

Куба революцион қуролли кучлар министрлиги Американинг Гуантанамо ҳарбий базаси территориясига жойлашган АҚШ ҳарбий қисмларининг янги қўпол ҳужумларини ҳақида маълум қилди. Министрликнинг хабарида кўрсатилишича, 27 ва 28 февралда Америка денгиз пиёда аскарлари Куба территориясига, асосан Куба чегарачи постлари жойлашган зоналарга қарата ўт очганлар.

●

Буюк Британия Коммунистик партиясининг бош секретари Жон Голлан Ноттингемда нутқ сўзлаб ҳозир Англия учун биринчи навбатда керак бўлган нарса экономикани национализация қилишдир, деди. Англиядаги ҳозирги консерваторлар ҳукуматининг шарманда бўлаётганлиги, деди у, монополистик капитализмнинг шарманда бўлаётганлигидан бошқа нарса эмас.

●

Буюк Британия Коммунистик партиясининг Сиёсий комитети баёнот эълон қилди. Баёнотда ўз ўзини бошқарувчи маҳаллий органлар квартира ҳақини анча ошириб юборганликлари ҳақида ташвиш билан гапирилади.

(ТАСС).







СУРАТЛАРДА: 1. Тошкент Ленин районидаги 13- сайлов участкасида (чапда). 2. Янги ташкил қилинган Чилонзор районида жойлашган сайлов округи залида. 3. Октябрь районидаги 279- сайлов участкасида (ўнгда).

И. Глауберзон фотолари.

ЛЕНИН ПАРТИЯСИ УЛУҒ

АНДИЖОН ҚИЗЛАРИ

АНДИЖОН. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Республикамизнинг йирик пахтакор области далаларида баҳор нафаси кезиб юрибди. Толлар кўмкўк барг ёзиб, ўрик гуллай бошлади. Сайлов куни баҳор қуёши ўз заррин нурларини сахийлик билан сочиб турди.

Ленин орденли областнинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларида тонг қоронғусиданоқ ҳаёт қайнаб кетди. Пахтакорлар ва нефтчилар, чорвадорлар ва машинасозлар, эркак-аёл, ёш-қари — ҳамма сайловчилар сайлов участкаларига оқа бошладилар. Ҳаммаёқ байрам либосида.

Шу куни биз Андижон ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли сабзавотчилик хўжалиги — Охунбобоев номли колхоз правлениеси биносида жойлашган 24-сайлов участкасида бўлдик. Сайлов комиссиясининг раиси Фазлиддин Неъматжонов қисқача кириш нутқи сўзлаб, сайловчиларни овоз беришга таклиф қилди.

— Бизнинг колхозимиз, — деди у, — республика Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловларни муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олмоқда. Давлатга ғўшт сотиш йиллик плани муддатидан илгари бажарилди. 400 гектар ерга эртаги сабзавот экиш учун тайёрлаб қўйдик. 70 гектар майдонга кузги сабзи, пиёз ва бошқа экинлар, 20 гектар ерга нўхат экдик. Сабзавот кўчатларининг кўп турлари парникларда етиштирилмоқда. Колхозимиз 1 Майга Андижон аҳолисига 2 тонна помидор совға қилади. Сайловларни меҳнатда янги муваффақиятлар билан кутиб олаётган колхозчиларимизга ва барча сайловчиларга сиҳат-саломатлик, янги ютуқлар тилайман. Байрамингиз муборак бўлсин, ўртоқлар! Марҳамат.

Илғор колхозчилардан С. Мамасидиқов, И. Каримов, сигир соғувчи Ўлмасхон Сўфиева ва бошқалар бирин-кетин сайлов қутилари ёнига келадилар.

— Биз, — деди Ўлмасхон Сўфиева бюллетенларни сайлов қутисига ташлаётиб, — Коммунистик партиямизнинг тинчлик сиёсати учун, халқлар дўстлиги учун, мамлакатимизда коммунизм қуришни учун овоз берамиз. Ана шу улуғ мақсадлар йўлида бундан кейин ҳам куч-ғайратимизни аямай меҳнат қиламиз.

Бу ердан республика парламентига Киров номли колхоз аъзоси, оддий колхозчи Тўтихон Рамазонова депутат қилиб сайланмоқда. Маҳаллий Советларга ҳам колхоз далаларининг фидокор кишилари кўрсатилган.

Андижон областидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига ҳотин-қизлардан 20 киши сайланди. Булар орасида Андижон ишлаб чиқариш бошқармасидаги Тельман номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Марямхон Йўлдошева, Андижон шаҳридаги Володарский номли тикувчилик фабрикасининг ишчиси Қумрихон Маткаримова, Избоскан районидаги Охунбобоев номли колхоз механизатори Улфатхон Бўтаева, Қўрғонтепа районидаги «Ойим» совхозининг механизатори Қундузхон Раҳмонова, шу райондаги «Партия XXII съезди» колхозининг механизатори Мунисхон Йўлдошева, Наманган районидаги Калинин номли колхозининг илғор бригада бошлиғи Муҳаррам Алиева, Хўжаобод районидаги «Ленинград» колхозининг сут соғувчиси Тўтихон Сиддиқова, шу райондаги «Ўзбекистон» колхозининг аъзоси Сабоҳон Қодирова, шу райондаги тўртинчи ўрта мактаб ўқитувчиси Обидахон Мирзаҳмедова, Чуст ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Куйбишев номли колхознинг звено бошлиғи Ш. Латипова, Янгиқўрғон районидаги «Ленинчи йўл» колхозининг пиллачилик бригадири Шарофат Дадабоева ва бошқалар бор.

Сайловлар ҳамма ерда зўр уюшқоқлик билан ўтди.

Н. ҲАКИМОВ.

БАҲОРНИНГ БИР КУНИ

РЕПОРТАЖ

«Гулистон» колхозининг яқинда қуриб битказилган маҳаллий клуби биноси катта тантана маркази—бу ерга Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайлов ўтказувчи 80-Паркент сайлов округининг 27-«Гулистон» сайлов участкаси жойлашган. Бино пештоқидаги радио карнайларидан таралаётган ашула ва музика оҳанглари, гир-гир эсиб турган шабадада ҳилпираётган байроқлар, алвонлар жилоси билан қўшилиб, юракни завққа тўлдиради.

Эндигина ёришиб келаётган шафақ тонгда кўчаларни тўлдириб захматли ва лаззатли замонани кўрган нуроний кексалар, ўз бахтларидан беҳад хурсанд оналар, бахтиёр йигит ва қизлар оқими клуб томон йўл олади.

Ҳар баҳор келиши билан кўхна Чотқол бағридаги боғбонлар ва соҳибкорлар қишлоғи Паркентнинг боғлари оппоқ гулга бурканади, сойлардаги сувлар ажойиб наво билан оқади, эндигина куртак ёзган толлар, яшил бахмал билан қопланган адр-қирлар, қўл чўзса етгудай қорли чўққилар, борлиқни тўлдирган баҳор ҳавоси кишини ўзига мафтун этади.

Озодлик ва бахт, муҳаббат ва вафо куйчиси Ҳамид Олимжон ёзганидай:

... Ҳар баҳорда шу бўлар
такрор
Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади...
Юзларимни силаб-сийпалаб,
Бахтинг бор деб эсади еллар.
Этган каби гўё бир талаб,
Бахтинг бор деб қушлар
чийиллар.

Аммо, ҳар бир такрор келувчи баҳорга қозонилган янги-янги зафарлар, қўлга киритилган ютуқлар, янги орзу ва режалар пешвоз чиқади: гулистонликлар ўтган йили давлатга қишлоқ хўжалиги ва чорва маҳсулотлари сотиш планларини шараф билан бажардилар. Бу йил мақсадлар яна буюк: колхоз ғаллакорлари 3550 гектар ерга дон экиб қўйганлар, эл дастурхонига ўтган йилдагидан анча кўп — 40 минг центнер буғдой тўкмоқчилар, чорвадорлар эса 3700 центнер сут, 1918 центнер ғўшт, 95 минг дона тухум, 150 центнер жун, боғбонлар 1330 центнер узум, 8500 центнер полиз экинлари етиштириш учун курашни қизғин бошлаб юбордилар.

Сайловдан сайловгача ўтган давр ичида боғлар майдони 455 гектарга етказилди, маданий қурилишлар соҳасида юз минг сўм сарфланиб, мана шу сайлов участкаси жойлашган клуб қурилди, қишлоққа Оққовоқ ГЭСидан юқори вольтли электр линияси келтирилди, юзлаб колхозчилар данғиллама уйларга кўчиб кирдилар.

Сайловчилар бирин-кетин сайлов қутиларини ёнига келишаркан, чеҳраларидаги қувончга боқкан киши баҳорнинг бугунги куни янада қадрлироқ, янада завқли эканлигини ҳис этади.

Биринчилар қаторида овоз берган 90 ёшли Бердиқул ота Ҳайитов ҳамқишлоқлари фикрини шундай ифодалади:

— Юртда тинчлик, омонлик бўлсин. Илгари ким бой бўлса, ўша зўр, ўшанинг гапи ҳақ эди,— деди ота.—Жўқишлоқдаги Нурмат мингбоши ёзда бизга ўхшаганларга сув бермасди. Уларнинг ўзи ҳам, номи ҳам йўқолиб кетди. Менга шундай замонда яшаш насиб бўлгани учун партия ва ҳукуматимизга минг марталаб раҳмат дейман.

Мана, сайлов қутиси ёнида колхознинг бригада бошлиғи Азиза Расулева. У бошчилик қилган бригада ўтган йили узум ҳосилдорлигини 77 центнерга етказди. Бу йил эса план 80 центнердан. Ҳозиргача токзорларга икки марта яхоб суви берилди. Азиза опа мўл ҳосил етиштириш билан бирга ёшлардан Манзурвой Жўраев, Муҳит Ҳасанов, Ҳомид Тўлаевларни моҳир боғбонлар қилиб тарбияламоқда.

— Мени, — дейди ўртоқ Расулева, — ҳамқишлоқларим область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишди. Уларнинг бу ишончига хизматим ва меҳнатим билан жавоб бераман.

Ўзбекистон ССР Олий Советига ва маҳаллий Советларга сайловлар ўтказувчи 80-Паркент сайлов округининг ҳамма сайлов участкаларига келган сайловчилар халқ бахт-саодати учун меҳнат қилаётган, коммунистлар ва партиясизлар блокининг номзодлари учун зўр қувонч билан овоз бердилар.

Паркентда баҳорнинг бир куни ана шундай ўтди.

С. ХОЛНАЗАРОВ.

ШОДИЁНА

Чилонзор районининг Оқтепа массивидаги 157-ўрта мактаб биноси. Ҳали самодаги юлдузлар сўнганича йўқ. Лекин 37-Тельман сайлов округи гавжум. Соат олти.

Эндигина 18 ёшга тўлган Моҳира Қодирова биринчи бўлиб овоз беради. У сайлов қутисига бюллетенларни ташлар экан, чин юрагидан деди:

— Бахтли ҳаётимиз учун, бутун дунёда мустаҳкам тинчлик учун, дўстлик, коммунистик мўлкўлчилик учун овоз бермоқдаман. Бахтимиз ижодкори жонажон Коммунистик партиямиз ва севикли Совет ҳукуматимиздан чексиз миннатдорман.

Гали ота Хўжасаидов сал кам бир аср умр кўрди. У Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейингина эркин нафас ола бошлади.

— Мен овоз бераётган номзодларнинг ҳаммаси ҳам халқимизнинг муносиб фарзандларидир. Улар халқимизга чинакам хизматкор бўлади деб ишонаман. Мен бугун коммунистлар билан партиясизлар блоки номзодлари учун қувона-қувона овоз бериш билан шаҳар ва қишлоқларимизнинг кундан-кунга гуллаб-яшнаши учун овоз бераман.

37-Тельман сайлов округида ва шу массивдаги 9 та сайлов участкасида сайловлар меҳнаткашларнинг зўр сиёсий активлиги вазиятида ўтди. Улар кунининг биринчи ярмидаёқ сайлов қутилари ёнига келиб, ўзларининг фахрий ҳуқуқларидан фойдаландилар.

Сайлов куни ҳамма жойда бўлганидек бу ерда ҳам катта халқ сайили давом этди. 157-мактаб коллективи сайловчиларга намунали хизмат кўрсатди. Бадиий ҳаваскорлик тўгарагга концерт қўйиб берди.

Оқтепа массиви сайловчилари Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлигига номзод, Чилонзор район Совети ижроия комитетининг раиси Толиб Содиқов, Тошкент шаҳар депутатлигига номзодлар — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, медицина фанлари доктори профессор Шокир Олимов, Тошкент шаҳар Совети ободонлаштириш бошқармасининг бош инженери Олег Павлович Горбунов, Чилонзор райои Совети депутатлигига номзодлар— Ж. Бурхонов, К. Е. Рождественская, Ж. Юсупова, Ю. Нурматов, Е. М. Петросов, Н. И. Банникова ўртоқлар учун яқдиллик билан овоз бердилар.

Чилонзор районининг меҳнаткашлари коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блоки номзодлари учун овоз бериш билан тинчлик, дўстликни бутун совет халқи сингари жон дилларидан ёқлаётганликларини яна бир бор намойиш қилдилар. Байрам шодиёнаси ярим тунгача давом этди.

И. ШОҒУЛОМОВ.

СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ КАТТА БАЙРАМИ



Ўзбекистон ССР Олий Совети ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар куни. СУРАТДА: Чирчиқдаги 17- Ленин сайлов округи жойлашган бино олдидаги майдонда тантаналар.

Р. Шамсиддинов ва Н. Довқораев фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

(Боши биринчи бетда)

Олтой ғаллакорлари ва Татаристон нефтчилари, Иваново тўқимачилари ва қадимий Ярославль аҳолиси, Воронеж колхозчилари ва Хабаровск машинасозлари, Ханти-Манси тайгасининг нефть разведкачилари ва Бурятия буғучилари, шу кунларда ер юзидаги жуда кўп денгизлар ва океанларда бораётган совет кемаларининг денгизчилари, серқуёш Сочи курортчилари, Ямало-Ненец тундрасининг буғучилари, Россия Федерациясидаги бошқа кўпгина шаҳарлар ва қишлоқларнинг аҳолиси овоз беришда актив қатнашдилар.

Украина меҳнаткашлари—Донбасс шахтёрлари, Днепр бўйи металлурглари, Харьков машинасозлари, Полтава ва бошқа областларнинг ғаллакорлари сайловларга ишлаб чиқаришда эришилган янги муваффақиятлар билан келдилар.

...Киевдаги Ленин сайлов округи. Сайловчилар — ишчи В. М. Добровольский ва ёзувчи К. Дрок, инженер А. Д. Лукьянец ва Украина ССР халқ артисти О. Я. Кусенко бирин-кетин овоз бермоқдалар. Ҳозир Киевда меҳмон бўлиб турган тўртинчи космонавт П. Р. Поповичҳам улар билан бирга овоз берди.

Украинадаги сайловчиларнинг 86,9 проценти соат 12 гача овоз бериб бўлди.

Минск, Гомель, Могилев, Витебск, Брест, Гродно ҳамда Белоруссиянинг бошқа шаҳарлари ва қишлоқларида овоз бериш аҳиллик билан ўтди.

Минскдаги Халқ хўжалиги институтида 2-сайлов участкаси жойлашган. Бу ерда биринчи бўлиб пенсионер аёл В. С. Стефанович овоз берди.

—Сайловлар биз учун,—деди у, ҳамиша катта байрамдир. Шу кунларда биз партиямизнинг доно сиёсатини қизғин маъқуллаётганимизни яна бир марта изҳор қиламиз. Мен коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун зўр ҳурсандлик билан овоз бердим.

Бугун олмаоталиклар учун икки ёқлама байрам бўлди — бу ерда сайловлар куни шаҳарда Совет ҳокимияти ўрнатилганлигига 45 йил тўлган кунга тўғри келди.

Қозоғистон пойтахти гоят кўркам шаҳарга айланган! Бундан олдинги сайловлардан бери ўтган вақт ичида шаҳар аҳолиси умумий сонидан бир миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой майдони олди, «Қозоғистон» меҳмонхонаси, драма театри, универмаг, пионерлар саройи қурилди.

Шаҳарда бинокорларнинг хизмати катта. Иккита сайлов округида Қозоғистон ССР Олий Совети депутатлигига уйсозлик комбинати монтажчилари бригадасининг бошлиғи Ойрат Малиев ва 7-қурилиш-монтаж бошқармасида коммунистик меҳнат бригадасининг раҳбари Николай Дмитриевич Кайдалов овозга қўйилди.

Сайлов участкаларига қозоқлар ва руслар, украинлар ва белоруслар, уйғурлар ва татарлар, ўзбеклар ва тунганилар, совет халқлари қардош оиласидаги бошқа миллатларнинг намояндалари келмоқдалар. Сайловчиларнинг 92,5 процента кундуз соат 2 гача овоз бериб бўлди.

Молдавияда об-ҳаво гарчи баҳордан дарак бермаётган бўлса ҳам, лекин ҳамманинг кўнгли баҳор сингари ҳушнуд.

Кишинев давлат университетининг студенти ёш сайловчи Павел Кирошка хурсанд бўлиб, «бизнинг уйларимизда баҳор шодлиги бўлиб турганда қувонмаслик мумкинми, ахир» деди.

Молдавия цементчиларининг шаҳри Рибницеда, Тирасполда, Бендерида, Фалештй, Лазо ва бошқа районларнинг қишлоқларида сайловлар муваффақиятли ўтди. Молдавия сайловчиларининг катта кўпчилиги кунниг биринчи ярмидаёқ овоз бериб бўлди.

Риганинг янги уй-жойлар қурилган Югле ва Агенюкали қарағайзори деган массивларида, Булдю ва Тирзас кўчаларида. Фанлар академиясининг шаҳарчасида сайлов участкаларининг эшиклари биринчи марта очилди. Бу ерда ВЗФ заводининг ишчилари, «Ригас-Аудумс» комбинатининг тўқимачилари, олимлар ва денгизчилар — янги уйларга кўчиб кирган кишилар овоз беришди.

Латвия меҳнаткашларидан минглаб кишилар Ватан соҳилларидан олисда — республика балиқ овлаш флотилиясининг Атлантиканинг шимолида, ғарбида ва жанубида, Ўрта денгизда ва Бискай қўлтиғида балиқ овлаётган кемаларда хизмат қилмоқда: Латвия денгиз пароходчилигининг тинчлик юклари ортилган кемалари денгизлар ва океанларда сузиб бормоқда. Латвиянинг овланган балиқларини музлатадиган катта кемалар отряди Жанубий Атлантикада балиқ овламоқда. Кемаларда сайлов участкалари жойлашган кают-компанияларнинг эшиклари Москва вақти билан эрталаб соат олтида очилди. «Линард Лайцен» траулерининг денгизчилари биринчи бўлиб овоз беришди. Бу кемада бугунги байрам айниқса тантанали ўтди, чунки кема капитани Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Харий Мартинович Лидакс — Латвия ССР Олий Совети депутатлигига номзод.

Тожикистон пойтахти — Душанбада Айний номидаги сайлов округи» Цемент гигантининг ишчилари ва хизматчилари овоз бериш бошланиши биланоқ сайлов участкасига келишди. Улар тунги сменадан кейин овоз бериб, охирги сайлов олди вахтасининг сўнгги соатида мамлакат учун юз тоннадан кўпроқ юқори сифатли цементни пландан ташқари ишлаб чиқарганликларини хурсандлик билан хабар қилдилар.

Шўроб кўмир конининг ишчилари, Консой ва Чорух-Дайрон кончилари, Вахш ва Ҳисор водийларининг колхозчилари ва механизаторлари овоз беришда зўр яқдиллик билан қатнашдилар. Республикадаги сайловчиларнинг қарийб 94 проценти Москва вақти билан эрталаб соат 11 гача овоз беришда қатнашиб бўлди.

Ашхободда ва Туркманистоннинг бошқа шаҳарлари ҳамда қишлоқларида овоз бериш байрам сингари ўтди. Мургоб водийсининг пахтакорлари, Қорақум каналининг қурувчилари, Шимолий Зунгуз яйловларидаги чорвадорлар, «Қора олтин» чиқарувчилар сайловларда актив қатнашдилар. Туркманистондаги сайловчиларнинг 80 процентга яқини кундуз соат 12 гача овоз бериб бўлди.

Тўққиз иттифоқчи республиканинг ҳаммасида овоз бериш сайловчиларнинг гоят юксак сиёсий активлиги вазиятида ўтди. Сайловчилар халқнинг энг яхши намояндалари учун яқдиллик билан овоз бердилар. Сайловлар чинакам халқ байрамига айланди. Совет кишилари аҳил бўлиб овоз бериш билан ўзларининг жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукумати теварагида маҳкам жипслашганликларини, КПСС XXII съездининг тарихий қарорларини, коммунистик жамият қурилишнинг улуғ программасини жанговарлик билан бажаришга қатгиқ бел боғлаганликларини, улуғ тинчлик иши учун, коммунизм иши учун Ленин партияси байроғи остида курашга доим тайёр эканликларини яна бир марта ёркин намойиш қилдилар. (ТАСС).

ЭЛ ҚУВОНЧИ

ФАРҒОНА, 3 март. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Сайлов тонги область шаҳар ва қишлоқларида зўр қувонч ва ҳурсандчилик билан бошланди. Коммунизмнинг актив қурувчилари — ишчи ва хизматчилар, инженер ва техниклар, колхозчи ва интеллигентлар ўзларининг муносиб номзодлари учун овоз бериш мақсадида ҳар кунгидан эртароқ уйғондилар. Ҳамма жойда сайлов участкалари тонг ёришмасданоқ гавжум бўлди. Ҳар қадамда ўйин-кулги, шоду хуррамлик, лабларда табассум. Қизил алвонлар кўзни қамаштиради.

Марғилон шаҳридаги 18-мактаб биносида 1-сайлов участкаси жойлашган. Дид билан безатилган кенг, ёруғ, кўркам хона сайловчилар билан тўлди. Ташқарида карнай-сурнай садолари янграйди. Сайлов комиссиясининг аъзолари ўз ўрнини оладилар. Тўпланганлар соат 6 бўлишини сабрсизлик билан кутяптилар.

Овоз бериш бошланиши олдидан сайлов участкасининг раиси М. Тошхўжаев сайловчиларни улуғ айём билан табриклади. Уларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилади. Пигилганлардан бири «Биринчи бўлиб Турсунби хола овоз берсин!» деб таклиф қилди. 87 ёшли Турсунби хола Муҳаммадиева сайлов бюллетенларини оларкан:

— Биз ким эдик, ким бўлдик? — деди у. — Хотин-қизлар фақат Советлар замонида одам қаторига қўшилди, тенг ҳуқуқ олди. Ўғил-қизларимиз ўқиб вояга етяпти. Мен ўз фарзандларим каби азиз номзодларимизга бажонидил овоз бераман. Тинчлик, фаровонлик учун курашда уларга куч-қувват тилайман.

Халилжон Қодиров яқинда ўн биринчи синфни тугатган, ҳозир Марғилон ипак комбинатида ишламоқда. У бу йил биринчи марта овоз бермоқда. Қисқа вақт ичида меҳнатда ўзини кўрсатган бу йигит юрак сўзларини изҳор этди:

— Орзиқиб кутган кун келди. Бугун 3 март — Ўзбекистон ССР Олий Советига ва маҳаллий Советларга сайловлар маросимида қатнашаётганим билан фахрланаман. Участкамиздаги барча сайловчиларни коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун овоз беришга чақираман.

Сайловчилар бирин-кетин овоз бергани кирадилар. Участкада меҳнаткашларнинг овоз бериши зўр тантанага айланди. 1997 сайловчи бир неча соат ичида тўла овоз бериб бўлди. Мактаб ҳовлисида ва катта залда кечга қадар ўйин-кулги давом этди.

Фарғона шаҳридаги Ленин ва Комсомол сайлов участкаларида ҳам республика Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловлар уюшқоқлик ва кўтаринкилик билан ўтди. Лолахон Ботирова, Саодат Қиргизбоева, Муаззам Ҳайдарова, 70 ёшли Солия хола Тўрақулова каби сайловчилар бюллетень оларкандар ўз фикр-туйғуларини қувонч билан ифода этдилар.

Киргили посёлкасида янги ташкил этилган 158-Саноат сайлов участкасида кимёгарлар, нефтчилар Муҳаммад Маҳмудов, Қўшоқбой Шарофиддинов, Алексей Диденколарга овоз беришда уюшқоқлик намунасини кўрсатдилар. Марказий Фарғонани ўзлаштирувчилар шаҳарчасида бу йил биринчи марта сайлов участкаси ташкил этилган эди. Бу ерда овоз бериш айниқса катта тантанага айланди.

Олтиариқ ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли 16-Ленин, 50-Лембур, Ленинград районидаги 7-Боғишамол, 17-Қўнғирот, 4-Дўрмонча, 6-Бағдод ва бошқа ўнлаб сайлов участкаларида номзодлар учун овоз бериш эрта соат 10 лардаёқ юз процент тугалланди. Уйғурсой, Киров, Шўрсув, Чимён, Федченко сайлов участкаларида ҳам овоз бериш барвақт тамомланди.

Эргашхон Мўминова Қува ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Карл Маркс номли колхознинг ёш пиллачиларидан. У 28-Шаршара сайлов участкасида овоз бераётириб қуйидагиларни айтди:

— Мен сайловга биринчи марта қатнашяпман. Бу, мени қувонтирмоқда. Бу йил звеном бўйича уч қути қурт тутаман. Ҳар қутидан 125 килограммдан пилла етиштириш мажбуриятини олганман. Бу мажбуриятимни шараф билан адо этишга сизларни яна ишонтираман.

Фарғона области шаҳарларида кеч соат 6 гача ҳамма сайловчиларнинг 98,3 проценти, қишлоқ жойларда эса 99,7 проценти овоз берди.

И. ТЎХТАСИНОВ.



Тошкент. Ҳамза номли театр биносига жойлашган Октябрь районидаги 33- сайлов участкаси эрта тонгдаёқ сайловчилар билан гавжум бўла бошлади. Улар коммунистлар билан партиясизлар блоки учун яқдиллик билан овоз бериб, ўз гражданлик бурчларини адо этдилар. Суратда: Ҳабиба Алимова бюллетенни сайлов қутисига ташламоқда.

А. Абалян фотоси.

ЯҚДИЛЛИК БИЛАН

Эрта тонг. Ёқимли музика садолари янграйди. Карнай-сурнай авжида. Турлола ва «Иккинчи беш йиллик» кўчаларида кишилар оқими аримайди. Мана, шинам безатилган 271-сайлов участкаси. Хона деворларига гиламлар осилган. Тўрда партия ва ҳукуматимиз раҳбарларининг портретлари.

Соат олти бўлиши биланоқ сайлов участкасининг эшиги очилиб, сайловчилар бирин-кетин сайлов қутиси ёнига кела бошладилар. Биринчи бўлиб ишчи Шомансур Мирзаев овоз беради.

Тошкент Давлат медицина институти студенти Фозил Дадажонов ўзининг биринчи марта овоз бераётганлигидан бениҳоя тўлқинланганини изҳор этиб, бундан кейин ҳам фан чўққиларини эгаллашга ва Ватанимиз учун фойдали мутахассис бўлиб етишишга дўстларини ишонтирди.

Бу участка сайловчилари Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советлар депутатлигига номзодларини ёқлаб овоз бердилар. Сайловчилар ҳаммаси кундуз соат 12 да яқдиллик билан овоз бериб бўлдилар.

А. РАҲИМОВ.

МЕҲНАТИМИЗ РОҲАТИ

Республикамизнинг барча меҳнаткашлари қатори Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаси аҳолиси ҳам ўтган якшанба куни сайлов қутилари ёнига келиб коммунистлар ва партиясизлар бузилмас блоки номзодлари учун, тинчлик, бахт-саодат ва коммунизм учун овоз бердилар.

Жумабозор қишлоғи одатдагидан барвақт уйғонган. Ҳамма ёқда шоду-хуррамлик, тантана ҳукм суради. «Ленинизм» колхозининг кекса аъзоси Тоғайбобо Турдиев биринчи бўлиб овоз бераркан, бундай деди:

— Мен ҳозир 68 ёшдаман, колхозда қилган меҳнатимнинг роҳатини кўриб турибман: колхоздан пенсия олмоқдаман, пахтакорлар ҳақида тинмай ғамхўрлик кўрсатаётган Коммунистик партия ва Совет ҳукумати, қадрдонимиз Н. С. Хрушчевдан беҳад миннатдорман. Украиналик донгдор ғаллакор Н. Г. Загладанинг ташаббусидан илҳомланиб, мен ҳам пахтачилик бригадасини бошқариш хоҳишини билдириб, колхоз правлениесига ариза бердим, Илтимосимни бажо келтиришди. Бу йил 104 гектар ерга чигит экиб, гектаридан 35 центнердан ҳосил олиш учун курашамиз.

«Ленинский путь» колхозининг сут соғувчиси Айнаш Бойжонова ўзига бириктирилган 16 сигирдан 6550 литр сут соғиб олиб, сайлов кунини меҳнат совғалари билан кутиб олди. Айнаш йил охирига қадар қирқ минг литр сут соғиб олишга аҳд қилган.

Жумабозорнинг азамат деҳқонлари етти йилликнинг бешинчи йилида пахта, пилла, ғўшт, сут, жун ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан мўл ҳосил кўтариш учун астойдил бел боғладилар.

Р. ДАУТБЕКОВ.

ИШЛАРИНИНГ ТАНТАНАСИ!

ФАРОВОНЛИК УЧУН ОВОЗ БЕРАМИЗ

Тошкентнинг «Ҳақиқат» маҳалласига жойлашган 266- сайлов участкаси эрта тонгдаёқ гавжум бўлиб кетди. Бу ерда музика садолари аело тинмайди. Бадиий ҳаваскорлар ижро этаётган ашулалар, раққоса қизларнинг ўйинлари овоз бериб чиққан сайловчилар эътиборини ўзига жалб этмоқда. Сайловчилар овоз бериб чиққанларидан кейин ҳам сайлов участкаси олдидаги сўриларда ўтириб, чойхўрлик қиладилар, ҳаваскорларнинг концертларини томоша қиладилар, тўда-тўда бўлишиб чақчақлашадилар.

Сайлов участкасининг овоз бериш хонасига одамлар гуррос-гуррос келиб турибди. Улар орасида кекса пенсионер Содиқ ота Ниёзов ҳам бор. У бюллетенларни олиб, овоз берар экан, ўз қувончини изҳор этиб, бундай деди:

— Мен тинчлик учун, халқимизнинг янада бахтли келажаги учун овоз бермоқдаман. Юртимиз бундан кейин ҳам тинч, осойишта, тўқ ва фаровон бўлаверсин.

Узбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловлар Октябрь районидаги «Ҳақиқат» маҳалласида чинакам байрам тусини олди. Бу ерда сайловчиларнинг 90 процентдан кўпроғи коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун эрталаб соат 9 дақа якдил бўлиб овоз бердилар.

М. ЭРНАЗАРОВА.





СУРАТЛАРДА: 1. Самарқанддаги 8- сайлов участкаси. Сайловчилар овоз бериш учун бюллетень олмоқдалар. 2. (ўнгда) 127 яшар Ашурбобо Зокиров Бухоро ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Москва» колхозида истиқомат қилади. 317- Галаосиё сайлов округи сайлов комиссиясининг аъзоси Х. Бафоева Ашурбобонинг коммунистлар ва партиясизлар блоки номзодлари учун овоз беришга кўмаклашиш мақсадида унинг ҳузурига келди.

А. Усмонов ва А. Кузьменко фотолари.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

ЭЛДА БАҲОР, ДИЛДА БАҲОР

Навбаҳор очилди гуллар,
Сабза бўлди боғлар...

Эрта тонгда туриб, сайлов участкаси томон борар эканмиз, севимли шоиримизнинг ўлмас қўшиғининг ана шу мисралари такрор ва такрор тилга олинди. Атрофимиздаги чаман боғлар, ям-яшил майсазорларни кўриб, қўшиқни баралла айтиб юборганимизни пайқамай қолибмиз.

Тонг, оппоқ тонг отяпти!

Қўшиқ, куй билан, нозик япроқ ёйиб шабададе рақсга тушаётган ниҳолларнинг ҳушҳол шивирлаши билан лаб очди бу тонг. Байрамдагидек либос кийган ишчилар, хизматчилар ва пенсионерлар, студентлар Куйбишев районидаги 78-сайлов участкаси томон оқиб боришарди. Юзларда табассум, шодлик туйғулари қалқиди. Шоирлар тараннум этган, фасллар фасли — баҳорнинг бу йилгиси ҳеч қачонгига ўхшамайди.

Бу йилги баҳор яхши келди. Ҳозир ерни тўйдириб, сахийлик билан нам бериб турибди, демак фаровон элни янада мўл-кўл унуми билан тўйдиради. Эл омбори «оқ олтин»га, нону донга тўлади.

Ана шу файзли баҳорнинг учинчи куни қувончимизга қувонч қўшди — халқимиз ўзининг содиқ фарзандлари, коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз берди.

Қўшнимиз, Тошкент экскаватор заводининг слесари Рашид ака Ҳамроқулов билан борардик. Завод ҳовлисида, хиёбонларда унинг ҳамкасабалари — экскаваторчилар рақсга тушишар эди. Қўярда-қўймай уни ҳам даврага тортишди.

— Ўйна, Рашид, ўзимизнинг ишчимиз Николайни сайлаймиз

— Ўзимизнинг давлатимиз, ўзимизнинг сайловимиз, ўзимизнинг тўйимиз.

Ҳа, бу сўзларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Халқ шодлиги, халқ тантанасининг боиси ҳам ана шунда.

Республикамизнинг ҳамма жойларидагидек, пойтахтда яқиндагина очилган Ново-Московская кўчаси одамлар билан гавжум. Экскаватор заводида жойлашган 79- ва М. В. Ломоносов номли 142-мактаб биносида жойлашган 78-сайлов участкаси томон кетаётган кишилар қаторида борар экансиз, қувончингизни дилга сиғдира олмайсиз.

Тошкентнинг бир вақтлар ташландиқ бўлиб ётган «Оққўрғон» маҳалласини ҳозир ҳеч ким таний олмайди. У ерда тўрт қаватли серҳашам уй-жойлар, маданий-маиший бинолар қад кўтарди.

Азамат қурувчиларнинг фидокорона меҳнати туфайли кейинги 3-4 йил ичида бу ерда «Старт» стадиони, озиқ-овқат ва саноат моллари билан савдо қилувчи магазинлар, 820 ўринли кенг экранли «Москва» кинотеатри, «Союзпечать» киоскалари, маданий-маиший хизмат кўрсатувчи дўконлар пайдо бўлди. Гулларга бурканган В. В. Куйбишев майдони аҳолининг маданий ҳордиқ чиқарадиган жойи бўлиб қолди.

Ўйин-кулгилар орасида ҳамроҳимиз Рашид ака гапга аралашди:

— Бугун чиндан ҳам экскаваторчиларимиз учун тўй, — деди у, — тўёнамиз ҳам чакки эмас. Заводимиз ишчилари тайёрланаётган ҳар бир машинани ишлаб чиқаришга сарфланадиган умумий вақтни камида 100 соат озайтиришга аҳд қилган эдилар. Бу — йилига 183 минг сўмни тежаб қолиш имконини беради. Биз январь, февраль ойларида ҳар бир машинани яратишга кетадиган вақтни 3 соат камайтиришни планлаштирган эдик. Амалда 6,5 соат камайтирдик. Ана шу тежалган вақт ҳисобида ишлаб чиқарадиган экскаваторларимиз коммунизмнинг улкан иншоотлари — Занг, Аму — Бухоро каналларида, Сурхон, Тўқтағул, Пачкамар сув омборларида ишлайди.

...Соат стрелкаси олтига якинлашяпти. Музика садолари узоқ узоққа таралади. Ўзбекистон ССР Олий Совети ва механизаторлар депутатлари маҳаллий Советларига сайлов ўтказувчи 78- сайлов участкасининг раиси В. Е. Зельманов соат роса 6 да сайлов участкаси эшигини очади ва сайловчиларни улуғ айём билан табриклайди. Сайлов қутиси ёнига биринчи бўлиб келган, порлоқ келажагимиз учун овоз бериш шарафига муяссар бўлганлар орасида саксон биринчи баҳорни кўраётган кекса ишчи Дониёр ота Хонхўжаев, пенсионер Мария Андреевна Букина, ишчи Любовь Ҳасанова ва бошқаларни учратдик.

Сайловчилар 15- Урицкий сайлов округида совет халқининг содиқ фарзанди, КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюросининг раиси ўртоқ В. Г. Ломоносовни республика Олий Советига якдиллик билан депутат қилиб сайладилар.

Баҳор қуёши қиёмга келмасданоқ сайловчиларнинг 80 процентдан кўпроғи халқ номзодлари учун бирдамлик билан овоз бериб бўлди. Халқ шодиёнаси узоқ тунгача давом этди.

Ҳ. ТОЖИБОЕВ,
С. НУРОВ.

ҲАМЖИҲАТЛИК

УРГАНЧ, («Қизил Ўзбекистон» мухбиридан). Машъал Хоразм области механизаторлари 3 мартда одатдагидан анча эрта уйғондилар. Улар тўда-тўда бўлиб байрамлардагидек ясаниб, сайлов участкалари томон бордилар. Бу шодиёна кунда совет кишилари дондгор ва муносиб номзодларни Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советлар депутатлигига сайлаб, ўз гражданлик бурчларини қувона-қувона адо этдилар.

Шовот ишлаб чиқариш бошқармасидаги 23-Чапаев сайлов участкасида сайловчилар бирин-кетин келиб овоз берар эканлар, ўз фаровон ҳаёти учун жонажон партияга, Иттифоқ ҳукуматига миннатдорчилик билдирадилар.

— Кексалар, — деди бюллетенларни сайлов қутисига ташлаб туриб колхоз аъзоси Қулмат Бегимов, — бизда ҳурмат ва катта имтиёзларга эга. Биз бундан 33 йил муқаддам тарқоқ камбағал деҳқонлар коллектив хўжаликка бирлашган эдик. Энди бу коллектив хўжаликнинг афсаналикларидан бахтлироқ бўлмоқдамиз. Колхозимиз йирик ва бадавлат хўжаликка айланди. Колхоз ўтган йили 1048 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 31,5 центнердан пахта хосили етиштирган эди. Бу йил азаматларимиз гектаридан 35 центнердан ҳосил олиш учун курашиб, кўкламги экишга пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Далаларга кўплаб маҳаллий ўғитлар чиқарилмоқда. Ерларнинг шўри пешма-пеш ювилмоқда. Бу ишга кекса тажрибакор қариялар бошқош бўлмоқдамиз.

Шунингдек сайловларда биринчи марта овоз бераётган Иброҳим Хўжаев, Эрка Худойберганов, пенсионер Бекжон Раҳматуллаев, педагог Гулжон Абдуллаева, Олти Раҳимова ва бошқалар юрак сўзларини изҳор қилиб, якдиллик ва ҳамжиҳатлик билан овоз бердилар.

Урганч ва Хева шаҳар меҳнаткашлари, Гурлан, Ҳазорасп ишлаб чиқариш бошқармаларининг пахтакорлари коммунистлар ва партиясизлар блокининг муносиб номзодлари учун қувонч билан овоз бердилар.

Қорақалпоқ элининг қувончи

ЧИМБОЙ («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Ўзбекистон ССР, Қорақалпоғистон АССР Олий Советларига ва маҳаллий Советларга сайловлар кунини ҳар бир ишчи ва хизматчи ўзининг ижодий меҳнати билан нишонлади.

Чимбой ишлаб чиқариш бошқармасидаги 17-сайлов участкаси «Кенес» совхози марказидаги Максим Горький номли мактабга жойлашган. Участка биноси шинам қилиб безатилган.

Эрта азондаёқ сайлов участкасига дондгор пахтакор қиз ва йигитлар, пахта териш агрегатининг механик-ҳайдовчилари, кексалар, ёшлар, аёллар тўпландилар. Радиоприёмник куйлаб турибди.

Соат 6. Совхоз қошидаги механизаторлар тайёрлаш уч ойлик курсида ўқиётган З. Ўтарбоева, пенсионер Қ. Авезов биринчи бўлиб овоз бердилар.

— Мен, — деди сайлов бюллетенини олаётиб пенсионер Қ. Авезов, — совет сайлов системасидан бениҳоя хурсандман, чунки биз сайлаётган халқ кандидатимиз халқимизнинг моддий-маданий фаровонлигини оширишга, экономикани ривожлантиришга, совхозимизни тағин ҳам ободонлаштиришга хизмат қилади. Халқ номзодлари учун овоз беришга ҳамма тенг ҳуқуқли. Мана, бугун деҳқон ҳам, ишчи ҳам, инженер ҳам, техник ҳам — барча меҳнаткаш ўзининг ҳоҳиши билан овоз бермоқда.

Тракторларга тиркалган автокачкада далага маҳаллий ўғит чиқариш топшириғини 1,5-2 ҳисса ошириб бажараётган Х. Бекназарова, С. Бахашовалар, ҳар куни 7-8 гектар ер ҳайдаётган А. Оллобергенов, А. Абдуқодиров каби механизаторлар қувона-қувона овоз беришди.

Совхознинг ҳамма бригадаларида, бўлимларида сайлов олди социалистик мусобақаси бошланган эди. Бу соҳада катта-катта ютуқлар қўлга киритилди. Етти йилликнинг бешинчи йилида 5600 гектар майдонга чигит экиб, давлатга камида 8190 тонна «оқ олтин» топширишга аҳд қилган совхоз ишчилари ҳозиргача 29 минг тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит тайёрлашди, 2175 гектар майдонга ўғит солишди.

Экишга тайёргарликни тезроқ тугаллаш учун далада 96 ишчи кунига 76-80 гектардан ошириб ер суғорялти. Ер ҳайдаш ишлари қизғин боряпти.

Қорақалпоғистон меҳнаткашлари умумхалқ сайлови кунини шод-хуррамлик билан ўтказадилар ва коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун якдил бўлиб овоз бериб, Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети атрофига маҳкам жипслашганликларини яна бир бор намойиш қилдилар.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

ЯКДИЛЛИК

САМАРҚАНД («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Эрта тонг. Ёмғир томчилаб турибди. Лекин Ильич нурлари билан ярқираб турган асфальт кўчалар серқатнов.

Соат 6 бўлганича йўқ эди: Гагарин массивидаги кооператив техникумининг байрамлардагидек чиройли қилиб безатилган клуби сайловчилар билан тўлиб кетди. Консерва заводи ва тамаки фабрикаси ишчилари, техникум студентлари ҳамда янги маҳаллалардан келган кишилар билан бир қаторда қадрдон қурувчилар коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз беришга шошилардилар. Ниҳоят участка сайлов комиссияси аъзолари овоз бериш бошланганлигини эълон қилади. Техникум студенти Гулжаҳон Кутибоева ҳаммадан олдин сайлов бюллетенини олади.

— Мен бугун, — деди бюллетенни сайлов қутисига ташлар экан Гулжаҳон Кутибоева, — сайловга биринчи марта қатнашаётирман. Мен учун бу сира унутилмас кундир...

Энди ўн саккиз баҳорни кўрган Илҳомжон Ҳожиев, Муҳаббат Қодирова, Саида Аҳмедовага ўхшаш кўплаб ёш йигит-қизлар ҳам қувона-қувона овоз бердилар.

Шаҳардаги «Ҳужум» пиллакашлик фабрикаси коллективи сайловлар кунини муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олди. Пиллакашлар сайловлар шарафига бошланган мусобақани яхши кўрсатгичлар билан якунладилар, етти йилликнинг бешинчи йили дастлабки икки ойлик планини анча ошириб бажардилар. Улар сайлов куни фабриканинг дондгор мастери, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзоди қўйилган Каромат Раҳматова учун якдил овоз бердилар.

Самарқанд областининг бошқа шаҳар ва қишлоқларида ҳам республика Олий Совети ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар зўр тантана, умумхалқ байрами тусини олди. «Қўйтош», «Ингичка» конларида, Нурота тоғларида, узоқ чорва йайловларида ҳам сайловлар катта кўтаринки руҳ ва зўр уюшқоқлик билан ўтди.

Оддий ишчидан моҳир пармалаш мастери бўлиб етишиб чиққан Раббим Қаршиевни «Ингичка» конининг ишчилари республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатган эдилар. 3 март куни кон сайловчилари ўзлари кўрсатган номзодлар учун бирдамлик билан овоз бердилар. Ингичкаликлар сайлов кунини январь ва февраль ойи топшириқларини ошириб бажариш билан нишонладилар.

Каттақўрғон шаҳар ва район меҳнаткашлари, Самарқанд, Булунғур, Иштихон ишлаб чиқариш бошқармаларининг чорвадорлари сайловларга актив қатнашдилар.

Л. ЭРГАШЕВ.

МАШИНАЛАР ЯРАТАМИЗ!

Пойтахтнинг Жуковский кўчасидаги пахта териш машиналари махсус конструкторлик бюроси биносида жойлашган сайлов участкаси сайловчилар билан гавжум.

«ХВС-1,2» агрегатининг ихтирочиларидан бири А. Н. Приходько сайлов бюллетенини олар экан, ўз қувончини қуйидагича ифодалади:

— Бизга бахт-саодат, эркинлик берган Коммунистик партиямизга чексиз миннатдорчилигимни оддий сўзлар билан изҳор қилишим қийин. Қишлоқ хўжалигини юксалтиришда биз, конструкторлар ҳам катта ҳисса қўшмоғимиз лозим. Бюромиз коллективи номидан шуни айтмоқчиманки, бундан буён ҳам инсоннинг чин дўсти — пахта териш машиналарининг янги хилларини яратишда ўз кучимизни аямаймиз.

Шундан сўнг, шу бюронинг бош инженери Тютков, конструкторлардан Г. Аҳмедов, И. Ақбаров ўртоқлар ҳам бирин-кетин келиб, халқнинг энг яхши ўғил ва қизлари учун якдиллик билан овоз беришди.

Р. МАКСИМОВА.

ТОҒ ОРАЛИҒИДА БАЙРАМ

ШЕРОБОД, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Ҳисор тоғлари орасида илон изи бўлиб кетган равон йўлдан «Сайроб» совхозига борилади. Совхоз марказига яқинлашган сари кўчалар байрам тусини олади. Ҳали тонг ёришмаган бўлса-да, йўллар серқатнов. Одамлар оқими кенг булоқ ёнида савлат тўкиб турган икки қаватли меҳмонхона олдидан ўтиб, ўн бир йиллик мактаб биноси томон оқаётир. Минг йиллик баҳайбат чинорлар тонг шабадасида гувиллайди.

Пештоқига «47- Сайроб сайлов участкаси» деб ёзилган бинога етиб келганимизда икки юз чоғли сайловчи тўпланган эди. Улар орасида кекса чўпонлар, сут соғувчилар, механизаторлар, ўқитувчилар бор. Сайлов комиссиясининг аъзолари сўнгги тайёргарлик ишларини тугалламоқдалар. Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи 450-сайлов округининг раиси М. Маъмуров, Қайроқ қишлоқ Советининг раиси Э. Отақуловлар ҳам шу ерда экан. 47-участка сайлов комиссиясининг раиси Абдураҳмон Холмуҳамедов овоз беришга ҳамма нарса тахт қилинганини айтди. Бугун сайловчилар бу ерда республика парламентига Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг иккинчи секретари Б. А. Красников, Сурхондарё область Советига совхознинг илғор сут соғувчиси Тўти Чориева, район Советига шу совхоз директори С. Нормуродов, партия ташкилотининг секретари Ҳ. Жўраев, район план комиссиясининг раиси Б. Раҳмонқулов ўртоқларнинг номзодлари учун овоз берадилар.

Соат 6 га якинлашган сари ҳаммаёқдан карнай-сурнай, шўх ашула ва лапар садолари тобора баралла янграйди. Тоғ оралиғи чароғон. Халқнинг энг яхши фарзандлари учун овоз беришга келаётганларнинг сони борган сари кўпаймоқда. Уларнинг юзидан табассум аримайди.

Роса соат 6. Участка сайлов комиссиясининг раиси ўртоқ А. Холмуҳамедов сайловчиларни ўз гражданлик бурчини адо этиш — овоз беришга таклиф этди. Биринчи бўлиб сайлов бюллетени олган илғор чўпон Саъди Эшдавлатов тўлқинланиб гапиради:

— Бундай кезларда жўн гапира олмайсан, киши. Юрагинг қувончга тўлади. Чўпонни ҳам бахтли қилган жонажон партияга минг раҳмат! Мен ўз боқимимдаги 600 совлиқнинг ҳар юз бошидан 120 тадан кўзи олиш мажбуриятини олганман. Бу ниятимга эришиш учун кучимни аямайман.

Ёш сайловчи Раҳматулла Азимов «Сувсиз» тоғига янги йўл чиқаришни комсомоллар ўз оталиғига олганларини айтиб, йиғилганларни қувонтирди.

Сўнгра учинчи бўлимнинг 1-бригада бошлиғи Нурали Турдиев, молбоқар Абдурайим Умарқулов ўртоқлар сайлов қутиси ёнига келадилар. Н. Турдиев бундай деди:

— Бригадамиз аъзолари сайловлар шарафига катта мажбурият олган эдилар. Улар устьлабинскликлар чақириғи ва янгийўлликлар ташаббусига қўшилиб, «Сувсиз» тоғида 350 гектар янги ер очиш ва шу ерларга лалми ғалла экиш ҳақида сўз берган эдилар. Биз бугунги сайловга шу ваъдамизнинг устидан чиқиб келдик. 350 гектар ўрнига 500 гектар лалми ғалла экдик. Бригадамиз аъзолари 44 қути қурт уруғининг ҳар қутисидан 60 килограммдан пилла топширишга аҳд қилдилар.

«Сайроб» совхозида сайловлар зўр уюшқоқлик ва юксак кўтаринкилик белгиси остида ўтди. Бу ерда овоз бериш кундуз соат 11 да тамомланди.

Тоғ оралиғидаги таптана ярим тунгача давом этди.

А. ХАЛИЛОВ.

ЧОРВАДОРЛАРНИНГ САЙЛОВ КУНИ ТУҲФАСИ

ҒИЖДУВОН, (Бухоро области н), (ЎзТАГ). Ғиждувон ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Гулистон» ва «Коммунизм» колхозларининг чорвадорлари давлатга гўшт сотиш бўйича ярим йиллик топшириқларни сайлов куни арафасида муддатидан олдин бажардилар. Илғор хўжаликлар учинчи квартал ҳисобига юз центнер қимматли чорвачилик маҳсулотини топширдилар.

ИККИ БАРАВАР КЎП КЎМИР

ТЕРМИЗ, 2 март. (ЎзТАГ). Кўмир чиқаришда эгилувчан металл кишоотни қўлланишнинг прогрессив усулини Кузбасс кончилари кетидан «Шаргунъуголь» руда бошқармасининг шахтёрлари ҳам эгалладилар. Забойларнинг учдан икки қисми илғор метод билан ишлашга кўчирилди. Забойлардан кўмир чиқариш икки баравар кўпайди.

КИТОБЛАР

ФОЙДАЛИ ҚЎЛЛАНМА

КПСС Программасида «Рус тили амалда СССРдаги барча халқларнинг миллатлараро алоқа ва ҳамкорлик қилишида умумий тил бўлиб қолди», — деб ёзилган. Иттифоқчи ва автоном республикаларнинг барча мактабларида социалистик миллатларнинг она тиллари билан бир қаторда рус тили ўрганилаётганлиги тўла тушунарлидир. Маълумки, рус тили билан Совет Иттифоқидаги халқлар тилларининг грамматик қурилишини чуқур қиёсий тадқиқ қилиш рус тилини ўрганишнинг зарур шартларидан биридир. Бу—дарс бериш методикасини тузиш учун назарий база вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда тилшунослар рус тили ва бошқа тилларни қиёсий ўрганиш билан шуғулланмоқдалар, қиёсий грамматикалар тайёрламоқдалар ва нашр қилиб чиқармоқдалар.

О. А. Азизовнинг яқинда Тошкентда нашр этилган «Сопоставительная грамматика русского и узбекского языков» («Рус ва ўзбек тилларининг қиёсий грамматикаси») китоби ана шундай фойдали асарлардан биридир. Доцент Азизов турли системадаги икки тилнинг грамматик хусусиятларини синчиклаб ва атрофлича ўрганиб чиқиб, рус тилининг морфологик ҳодисаларини ва ўзбек тилига мос келадиган категория ва шаклларини изчиллик билан қиёслайди. Автор республика ўқитувчиларининг бой тажрибасига таяниб назарий хулосалар ва методик якунлар чиқаради. СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзолари А. К. Боровков, В. М. Жирмунский ва бошқаларнинг фикрича «О А. Азизовнинг асари ўзбек мактабларида рус тилини ўрганиш юзасидан дарсликлар тузиш учун бебаҳо қўлланмагина бўлиб қолмасдан, балки катта назарий аҳамиятга ҳам эгадир, чунки автор томонидан қилинган қиёс ҳар икки тил грамматик системаларининг ўзига хос хусусиятларини ойдинлаштириш имконини беради».

О. А. Азизовнинг китоби В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети илмий кенгашида докторлик диссертацияси тарзида тасдиқланган эди. Бу китобнинг илмий-назарий ва методик жиҳатдан қиммати диссертация ёқлаш маросимидаги мунозарада қатнашган кишилар томонидангина эмас, балки бошқа совет тилшуносларн томонидан ҳам қайд қилиб ўтилган эди.

Шу муносабат билан К. Громатовичнинг «Учительская газета»сида ва «Русский язык в национальной школе» журнали саҳифаларида босилган салбий тақризлари кишида жуда ғалати таассурот қолдиради. Тақризчи китобнинг моҳиятини ва амалий йўналишини англаб етмасдан унинг авторига асоссиз равишда таъналар ёғдиради, бу асар ўзбек мактабларида рус тилини ўқитишда ўқитувчиларга ҳеч қандай наф етказмади, деб узил-кесил даъво қилади. Ўқитувчиларнинг ўзлари эса бу монография тўғрисида бундай деб ёзадилар: «Биз О. Азизовнинг «Сопоставительная грамматика русского и узбекского языков» китобини яхши биламиз, чунки ўз ишимизда бу китобни тез-тез қўлга олиб турамиз». Улар хатни давом эттириб: «Учительская газета»си ва «Русский язык в национальной школе» журнали рус бўлмаган кишиларга рус тили дарсини беришга ҳеч қанақа алоқаси йўқ кишининг чиқаратомуз тақризига ўз саҳифаларидан ўрин берганлиги бизни таажжублантиради» деб ёзадилар. Бу «тақризлар» туркшунос ва рустилшунос олимларни ҳам шу қадар жуда таажжублантиради. Улар олимнинг: «Катта ва фойдали асарини асоссиз равишда бадном қилишга уринишдан иборат бўлган бундай «танқид» илмий муҳокаманинг жиддий талабларига хос эмас» деб ёзадилар.

Уларнинг фикрига қўшилмасдан бўлмайди. Азизовнинг асари турли системада бўлган тилларнинг грамматик қурилишини қиёсий анализ қилишга бўлган жиддий интилишдирки, шу б ҳ а с и з унинг амалий аҳамияти ҳам каттадир.

В. ВИНОГРАДОВ,
академик;

С. БАРХУДАРОВ,
СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси;

В. СУХОТИН,
филология фанлари доктори.

(«ИЗВЕСТИЯ» газетасидан).



КОНВЕРТЛАРНИ ОЧГАНДА...

МАКТАБ ВА ҲАЁТ

Жамоатчилик билан бир жон-бир тан бўлган республикамиз маорифчилари мактаб ҳақидаги қонунни муваффақиятли амалга ошираётирлар. Ўқувчилар мактабларда чуқур назарий билим олиш билан бирликда турли касб ва ҳунар эгалламоқдалар, меҳнатсевар, билимли кишилар бўлиб етишмоқдалар. Республикамиз мактабларида таълим-тарбия соҳасида илғор педагогик тажрибаларни қўлланиш, дарснинг доимо ижодий ва самарали ўтиши учун кураш тобора авж олдирилмоқда. Газета редакциясига келаётган кўпгина хат-хабарларда ана шу ҳақда ҳикоя қилинади.

— Фарғона шаҳридаги 2-ўрта мактаб ўқитувчилари таълим-тарбия сифатини янада ошириш учун қардош РСФСР Липецк областидаги ҳамкасбларимизнинг илғор иш тажрибаларини ўрганмоқдалар, — деб ёзади шу мактабнинг ўқитувчиси Н. Муҳаммедов. — Биз ҳам ана шу ташаббусга қўшилдик. Натижада мактабда ўқитиш ишлари янада жонланиб кетди.

Оҳангарон шаҳар халқ маорифи бўлимининг инспектори А. Саракаев мактаблар ва жамоатчилик ўртасида ўрнатилган яхши ҳамкорлик ҳақида ёзади. Шаҳардаги 9-шахта, ГРЭС, цемент заводи ва бошқа саноат корхоналарининг коллективлари мактабларга яхши оталиқ ёрдами кўрсатмоқдалар. Фарғона областидан А. Дадабоев, Сурхондарё областидан Х. Турдиқулов, Андижон шаҳридан К. Абдураҳмонова, Самарқанд областидан Ш. Усмонов, Хоразм областидан А. Қурбонов, қардош Тожикистон ССРнинг Регар шаҳридан Б. Шерқулов ва бошқалар ҳам ўз хабарларида қурилаётган янги мактаблар ҳақида, ўқувчиларнинг пухта билим ва ҳунар эгаллаётганликлари ҳақида, ўз ишини севган меҳрибон ўқитувчилар ҳақида илиқ гаплар айтишади.

Шу билан бирга редакцияга мактаб-маориф ишларида йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақида танқидий хабарлар ҳам келиб турибди. Сурхондарё область, Яккабоғ районидаги Охунбобоев номли мактаб директори Ш. Маҳмудов ўз хатида район мактабларидаги аҳволни анализ қиларкан, қатор камчиликларни очиб ташлайди. Район мактабларида 548 ўқувчи бир синфда икки йил қолган. Айниқса, бошланғич синфларда ўқитиш ишлари жуда паст савияда. Райондаги Калинин номли, С. Айний номли, «Марксизм», Куйбишев номли мактабларда ёш қизлар ўқишдан қолиб кетмоқда. Ишонамизки, район халқ маорифи бўлими бу нуқсонларнинг олдини олиш учун тегишли чоралар кўради.

Тошкентлик Ю. Муҳамедов Калинин район «Қизил Ўзбекистон» колхозидаги мактаб-интернатда таълим-тарбия ишларининг ночор аҳволда эканлигидан, ўқитувчи Ғаниева ўқувчиларнинг ота-оналари билан дағал муомалада бўлишидан шикоят қилади. Бекобод районидан хабар ёзган Я. Таллибоев Димитров номли мактаб директори М. Лочиновнинг ўз ишига совуққонлик билан қараши, Қ. Маҳкамов, Ғ. Мустафоев, С. Мадумаров каби ўқитувчиларни ҳеч сабабсиз ҳақорат қилганини, унинг юлғичлигини айтади. Собиқ Қўқон районидаги Энгельс номли мактаб директори И. Исмоилов ҳам совет педагогига ярашмаган ишлар қилган. У ўз иши учун жон куйдирмайдиган, жанжалкаш шахс. Яқинда Искандаров куёви Қ. Кўчқоров билан мактаб завхози М. Расулевни ҳақорат қилган. Бу ҳақда С. Қурбонов, А. Мамажоновлар хабар қилишади. Тегишли ташкилотлар совет педагоги шаънига доғ тушираётган бундай шахсларни тартибга чақириб қўйишлари лозим.

Газетхонлардан Х. Эшпўлатов, И. Жуманиёзов, Й. Эргашев, Ё. Маҳкамов, Ж. Камолов, Б. Юсупов, Ғ. Пардаев, Ҳ. Турдиев ва бошқалар ҳам ўз районларидаги мактабларда ўқиш-ўқитиш ва тарбиявий ишлар ҳақида хабар ёзиб юборганлар.

ХАЛҚ СОҒЛИҒИ— ЭЛ БОЙЛИГИ

Редакциямизга медицина ходимларининг яхши ишлари ҳақида кўпгина хат-хабарлар келмоқда. «Раҳмат, доктор», «Совет медицинасига офарин!», «Шифокорлардан миннатдормиз» каби сарлавҳалар қўйилган бу хатларда ижодкор докторларга самимий миннатдорчилик сўзлари ифодаланади. Тошкентлик ўқувчи қиз Ф. Илҳомова ўзининг ҳаётини сақлаб қолган Тошкент Давлат медицина институтининг врачи А. Маҳмудовга, пенсионер М. Мирсаидов Юқори Чирчиқ районидаги Нанай қишлоқ касалхонаси коллективига, Андижон областидан Ғ. Орипов Янгиқўрғон районидаги Нариманов номли участка касалхонасининг бош врачи Т. Тўраҳўжаевга, қардош Қозоғистон ССР Сайрам қишлоғидан К. Мин Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўлка медицина экспериментал институтининг профессори Қ. Исломбеков ва врач М. Болтабоевларга раҳмат айтишган.

Шунингдек, бундай илиқ сўзларни Сирдарё область Жиззах районидаги «Фориш» совхози касалхонаси коллективига (даволанувчи Отабекова ёзган), Фарғона область, Федченко посёлка касалхонасининг коллективига (бир группа даволанувчилардан) ва бошқаларга келган хатлардан ўқиш мумкин. Биз ана шу меҳнатсевар шифокорларга бу миннатдорчилик туйғуларини етказиш билан бирга уларнинг ишида янгидан янги муваффақиятлар тилаймиз.

Газетхонлардан Т. Тўраев, А. Ким, Ш. Ҳуснбоев, М. Абдусамадов, Т. Солиев, Ғ. Қаюмов, Э. Ҳамидов, А. Ашуров, С. Эрниёзов, Р. Худойбердиев, Д. Беков, С. Ғиёсов, М. Саломатова, Ш. Машарипов, О. Тўланов, Я. Катаев ва бошқа ўртоқлар ҳам жойларда ги медицина хизмати ҳақида хабар қиладилар.

Аммо, баъзан ўз ишига совуққонлик билан қарайдиган медицина ходимлари ҳам учраб туради. Газетхон О. Турғуновнинг ёзишича, Калинин районида медицина муассасаларининг иши талабга жавоб бермайди, касалхоналарда ўринларни кўпайтириш плани бажарилмасдан келинади. Район соғлиқни сақлаш бўлимининг собиқ мудири Х. Зарипов ўз мансабини суиистеъмол қилиб келган. У ўзи ўрта маълумотли медик бўла туриб олий маълумотли врачлар ставкасида ҳақ олиб келган. Районда соғлиқни сақлаш ишларини сусайтириб юборган Зарипов негадир яна Тошкент область Қизил Ярим ой жамияти раислигига кўтарилган. Андижонлик Х. Сотиболдиев ўз касбига бефарқ қараётган Андижон шаҳар 1-поликлиника врачи Саиджонов ва бошқа врачлардан шикоят қилади. Олмалиқ шаҳар касалхонасида ҳам тартиб йўқ. Беморлар кийим-кечак ва бошқа зарур нарсалар билан тўла таъминланмайди. Бу ҳақда Ф. М. Мурашев ёзади. Э. Эшбўтаев Самарқанд область Зарбдор станцияси касалхонасининг врачи М. Мирзияевнинг қўполлигидан шикоят қилади. А. Ғуломовнинг хабар қилишича, Чуст район медицина ходимларининг беparволиги натижасида «Қўқимбой» совхозининг 3-бўлимида яшовчи Меҳрибиби Дадабоева деган кампир ҳомиладор аёлларга эскича доялик қилаётир. Бундай ярамас аҳволга тезда чора кўриш лозим.

Мавжуд камчиликларни тугатиб, меҳнаткашларга медицина хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш зарур.

РАКЕТАГА ҚАРШИ МУДОФАА ВА РАДИОЛОКАТОР

АПН

Ҳозиргача АҚШ ўзини уруш бўлиб қолган тақдирда оддий қурол воситалари таҳдид сололмайдиган масофада — океан ортида ҳис қилиб келди. Бироқ қитъалараро баллистик ракеталар мавжуд бўлган ҳозирги шароитда зарбадан қутилиб қололмайдиган бўлиб қолди. Империалистик монополиялар жуда катта маблағ сарфлаб ҳужум қуроллари ишлаб чиқаришни авж олдириш билан бирга гўё «коммунистик хавф» таҳдидидан ўзларини ҳимоя қилиш учун восита ишлаб чиқишни кучайтириб юбордилар. Улар кишиларни қўрқитиш йўли билан жуда катта фойда олмоқдалар, шу билан бирга ракетага қарши мудофаа соҳасидаги ҳарбий техника янгиликларини радио ва телевидение орқали тинимсиз реклама қилмоқдалар.

Ракетага қарши мудофаа системасининг кўплаб янги «такомиллашган» лойиҳалари ҳам реклама ва шов-шувлар билан юзага чиқди. Бу лойиҳалардан «Найк Зевс» системасига катта умид боғланган. Бу системада тутқич ракеталардан фойдаланиш кўзда тутилади.

Бу системани ишлаб чиқиш аллақачонлар бошланган бўлса-да, у ҳали ҳам охирига етказилган эмас. Американликларнинг ўзлари тан олишларича, бу системани ишлаб чиқишга 15 миллиард доллар маблағ сарфланган бўлса-да, у ўзини оқламаяпти. Лекин яқинда АҚШ мудофаа министри Макнамара ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси Никита Сергеевич Хрушчевнинг Совет Иттифоқида мукаммал антиракета яратилганлиги ва ракетага қарши мудофаа соҳасидаги ютуқлар тўғрисидаги сўзларини изоҳлаб, АҚШ бу соҳада анча орқада қолганлигини тан олишга мажбур бўлди. Пентагоннинг ҳисобларига кўра, ракеталарни тутиб қоладиган воситаларни яратиш учун яна, тахминан, тўрт йил ва ўн миллиард доллар маблағ керак бўлади.

Ҳозир, чиндан ҳам, узоққа отиладиган баллистик ракеталарга қарши мудофаадан кўра мураккаб техника проблемаси йўқдир. Чет эл мутахассислари бу проблемани қандай ҳал қилмоқчи бўлаётганликларини кўриб чиқайлик.

Учиб келаётган ракеталарни узоқдан аниқлаш ракеталарга қарши самарали мудофаанинг энг асосий фактори ҳисобланади.

Маълумки, бу проблема радиолокацион воситалар билан ҳал қилиниши мумкин. Ҳозирги вақтда бир неча минг километр узоқликдаги нишонни аниқлай оладиган радиолокацион станциялар мавжуд. Лекин бундай станциялар ракета траекториясини тахминан аниқлайди. Шунинг учун ҳам бундай станциялар аниқланган ракетани кузатиб бориши ва сўнгра «нишон кўрсатиш станцияси» деб аталган аниқ кўрсатадиган, лекин яқин масофани (тахминан 1600 километр) қамраб оладиган станцияга «узатиши» керак. АҚШда биринчи тажриба нишон кўрсатиш станцияси ташкил этилди. Америка матбуоти бундай станциянинг қуввати шунчалик каттаки, унинг антеннаси металл иҳота панжара билан ўралган, унга юз метр яқинлашиб бўлмайди, қабул қилиш антеннаси эса ундан 300 метр нарига чиқарилган деб ёзмоқда.

Ҳозирги замон қитъалараро баллистик ракеталарининг кўпчилиги ажраладиган жанговар головкага эга бўлиб, мудофаачилар бу головкани охирги босқич корпусидан фарқ қила олиши керак. Шунингдек, «Сохта нишон»дан фойдаланиш ҳам мудофаачиларни а л д а ш и мумкин. Демак ракетага қарши мудофаа учиб келаётган объектлар: зарядли жанговар головка, ракетанинг сўнгги босқичи ва «сохта нишон» ҳамда бошқалардан чинакам нишон — зарядли жанговар головкани фарқлай оладиган бўлиши керак. Бунинг учун нишонни аниқлай оладиган махсус радиолокацион станциялардан фойдаланиш мумкин. Американликларнинг фикрича, бундай станцияни ишлаб чиқиш «Найк Зевс» тутқич ракеталарга асосланган ракетага қарши ташкил этилаётган системада ҳал қилиниши жуда қийин бўлган проблемалардан биридир. Бу станциянинг акс этган сигнали учиб келаётган объектларнинг тезлиги ва координаталари тўғрисидагина тасаввур бериб қолмасдан, унинг акс эттирувчи сатҳининг ўзгариши, шунингдек бу сатҳ тебраниш частотаси ҳақида ҳам тасаввур бериши керак. Шундай қилиб, учиб келаётган турли объектларни бир-биридан ажратиш мумкин, деб ҳисобланмоқда. Н и ш о н н и аниқлаш станцияси тез ишлайдиган математик машина ва эслаб қоладиган ускуналар билан жиҳозланган бўлади. Бу ускунага олдиндан турли объектларнинг хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар берилган бўлади.

Американликлар ракетанинг зарядли қисмининг сигнални акс эттириш хусусиятларини аниқлаш учун Канаверал бурунидан учирилаётган ўз ракеталарини кузатиб бормоқдалар. Ракетанинг сўнгги босқичи ва жанговар головкадан акс этган сигналлар пленкага ёзиб олиниб, пухта ўрганилмоқда.

Нишон кўрсатиш станцияси учиб келаётган нишонни аниқлагач ва чин нишон ажратиб олингандан сўнг, аниқ кузатиш радиолокацион станцияси ишга тушиши керак. Бу станция ахбороти тутқич ракетани бошқариш учун фойдаланилади. Бу станция нишон тўғрисидаги аниқ маълумотларни ҳисоблаш-ҳал қилиш ускунасига тўхтовсиз бериб туради. Бу ускуна эса тутқич ракета билан жанговар головка учрашадиган нуқтани белгилаб беради.

Тутқич ракета жанговар головкага қарши учирилгандан сўнг яна бир станция ишга тушиши керак. Бу станция тутқич ракетани тўхтовсиз кузатиб бориш, керак бўлган пайтда унинг жанговар зарядини портлатиш учун команда беришда ишлатилади. Тутқич ракетани кузатиб бориш унинг бортига ўрнатилган радио маяк туфайли енгиллашади.

Шундай қилиб, ракетага қарши мудофаа системасида, американликларнинг фикрига кўра, ўзаро алоқада бўлган радиолокацион станциялар комплексидан фойдаланиш керак. Американлик мутахассисларнинг фикрича, узоққа отиладиган баллистик ракеталарни тутиб қолиш соҳасидаги техника проблемалари жуда мураккаб бўлиб, ҳаливери уни ҳал қилиш қийин. Баъзи мутахассислар эса бунга ҳатто ишонмайдилар. Чунончи, бригада генерали Остин У Беттс Америка журналларининг бирида: «Биз ракетага қарши система яратишнинг барча асосий проблемаларини ҳали етарли тасаввур қила олмас эканмиз, ишлаб чиқишимиз ва яратишимиз мумкин бўлган ҳар қандай мудофаа системасининг эффективлиги тўғрисидаги масалаларни узил-кесил ҳал қилиш умиди ҳам йўқ», деб ёзди.

Роман ВИКТОРОВ,
Илмий комментатор.

Тахиатош—Урганч юқори вольтли электр линияси қурилиши кундан-кунга тезлашмоқда. «Средазэлектросетьстрой» қурувчилари бу электр линиясини муддатидан илгари ишга тушириш учун мардонавор меҳнат қилаётирлар. 20 метрли столбаларни йиғиш ва ўрнатишда П. Овчар бошлиқ бригада коллективи ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Суратда (чапдан): бригадир П. Овчар, слесарь Г. Колганов ва пайвандчи Д. Шаврун ўртоқлар.
Н. Муҳаммаджонов фотоси
(ЎзТАГ фотохроникаси)

УЙДАГИ МАКТАБЛАР

ФАРҒОНА, (ЎзТАГ). Олтиариқ районида одатдагидан ташқари мактаблар очилди. Бу мактабларнинг ўқувчилари ва ўқитувчилари бор, аммо синфлари йўқ. Дарслар ҳар бир ўқувчининг уйида ўтказилади.

Бундай ўқиш формасининг пайдо бўлиш тарихи ибрат бўла олади. Қишлоқ комсомоллари саккиз йиллик умумий мажбурий таълим ҳақидаги қонуннинг бажарилишини текширишга қарор қилдилар. Ҳар хил сабабларга кўра мактабдан кетиб қолган кўпгина ўзбек қизлари ҳеч қаерда ўқимаётганлиги маълум бўлди. Жамоатчи ўқитувчилар ёши ўтган қизларни текин ўқитишни таклиф қилдилар. Район марказидаги мактаб дирекцияси ўқишни истаган қизларни дарсликлар билан таъминлади.

Ҳафтада тўрт марта ўқув кунининг сўнгги қўнғироғи чалингандан кейин 3-мактаб ўқитувчиларидан Юрсиной Бекматова, Нажиба Сотиболдиева, 2-мактаб ўқитувчиларидан Жамият Соҳибова, Рисолат Обидова ва бошқа ташаббускорлар ўқувчиларнинг уйларига жўнаб кетадилар.

Уйларда ўқитишнинг ташкил қилиниши ёши ўтган тўқсонга яқин қизларнинг дарсликларни яна қўлга олишига имкон берди.

ШОВОТ ЯНГИЛИКЛАРИ

МОТОР-РЕМОНТ ЦЕХИ

«Узсельхозтехника» ҳузурида мотор-ремонт цехи ишга туширилди. Бу цех қисқа вақтда 35 та турли маркали трактор моторларини ремонтдан чиқарди.

ҚУРИЛИШЛАР

«Партия XXII съезди» колхозида ҳаммом, Калинин номли колхозда касалхона, Охунбобоев номли колхозда эса туғруқхона, болалар боғчаси, «тандем» типидаги сут соғиш агрегати, сигирхона, товуқхона ва нон комбинати бинолари битказилди.

ЎҚУВЧИЛАР УЧУН

Хўжаликларда 2 та саккиз йиллик ва 2 та бошланғич мактаб бинолари қурилиши битказилди ва фойдаланишга топширилди.

О. СОТЛИҚОВ.

БОЛА САМОЛЁТДА ТУҒИЛДИ

ЦЕЛИНОГРАД, 2 март. (ТАСС мухбири). Целиноград аэропортининг «АН-2» самолёти врач билан Целиноград область, Эркеншилик районидаги Тўрғой қишлоғига келди ва бу ердан касал болани олиб йўлга чиқди. Бу ерда самолёт командири Виктор Шаховцевга хабар бериишиб, «Ленинский» совхозида бир аёл оғир аҳволда ётганлигини ва уни дарҳол касалхонага олиб бориш кераклигини айтдилар.

Совхоз жойлашган Ўртоқшил деган жойда самолёт қўнадиган майдонча йўқ эди. Самолёт командири иккинчи учувчи Геннадий Хамзин билан бирга парвоз вақтида қўниш жойини белгилаб олди. Маҳаллий мактабнинг ходими бемор Александра Федоровна Кулановани самолётга чиқаришиб, яна осмонга парвоз қилдилар.

Орадан 10 минут ўтгач, 800 метр баландликда учиб бораётган самолёт экипажи сафига яна бир киши қўшилди. А. Ф. Кулановани узатиб борган медицина ҳамшираси Антонина Шубенко унга биринчи медицина ёрдами кўрсатди. Қизнинг ота-онаси ҳамширанинг хизматини тақдирлаб, қизига Тоня номини қўйдилар.

Оламда нима гап

ЯПОНИЯ КОММУНИСТЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

ТОКИО, (ТАСС). Ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органларига мамлакатда давом этаётган сайловларнинг боришида Япония коммунистлари эришган янги муваффақиятлар тўғрисида бугун «Акахата» газетаси хабар қилди. Кумано шаҳрида (Миэ префектураси) компартия вакили Юдзуру Онниси муниципиал кенгашга биринчи марта сайланди, Мондзей шаҳрида эса (Исикава префектураси) шаҳар муниципиал кенгашига коммунист Сэйитиро Такэути яна қайта сайланди.

ЕВРОПАДА ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАНФААТЛАРИНИ ҚЎЗЛАБ

БЕРЛИН, (ТАСС). Германия Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Оскар Нейман «Фрейхейтсзендер 904» радиостанцияси орқали сўзлаган нутқида Совет ҳукуматининг Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар билан НАТОда аъзо бўлган давлатлар ўртасида ҳужум қилишмаслик тўғрисида битим тузиш ҳақидаги таклифи Европада тинчликни мустаҳкамлаш учун катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Бу таклифнинг қабул қилиниши, деб уқтириб ўтди Нейман, Ғарбий Германиянинг термоядро уруши ўчоғи бўлиб қолмаслиги учун ғоят муҳимдир.

Аденауэр ҳукуматининг Женевада қуролсизланиш масаласи билан шуғулланувчи комитет ишларига халақит бериш йўлидаги уринишларига тўхталиб, Нейман бундай деди: Ҳужум қилишмаслик тўғрисидаги битим Ғарб давлатларининг Германия Демократик Республикасини танишларидан далолат беришидан Бонн қўрқади. Аммо, деди Нейман, икки герман давлатининг мавжудлиги факт бўлиб қолди-ку, ахир, Германия Федератив Республикаси ва Германия Демократик Республикаси аҳолисининг ҳаётий манфаатлари тинч-тотув яшашни талаб этади.

Нейман Франция билан Ғарбий Германия ўртасида тузилган ҳарбий шартномани қоралади ва бу шартнома немис халқининг миллий манфаатларига хиёнат қилишдан бошқа бир нарса эмас, деди.

ЖАҲОН ТИНЧЛИК КЕНГАШИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

М А Л Ь М Е, (ТАСС). 2 мартда бу ерда Жаҳон Тинчлик Кенгаши п р е з и д и у м и н и н г кенгайтирилган мажлиси очилди. Мажлис ишида Европа, Осиё, Африка, Америка мамлакатларининг бир қанча таниқли жамоат ва сиёсий арбоблари, миллий ташкилотлар ва тинчлик учун курашувчи комитетларнинг вакиллари, шунингдек меҳмонлар қатнашмоқда.

2 мартда Жаҳон Тинчлик Кенгашининг ижрочи президенти профессор Жон Бернал ва Жаҳон Тинчлик Кенгаши президиумининг аъзоси А. Е. Корнейчук доклад қилдилар.

ПЕРУДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

НЬЮ-ЙОРК, 3 март. (ТАСС). Бугун эрта саҳарда Перудаги ҳукмрон ҳарбий хунтанинг бошлиғи генерал Рикардо Перес Годой ҳокимият тепасидан олиб ташланди, деб Лимадан хабар беради Ассошиэйтед Пресс агентлигининг мухбири. Қуролли кучлар қўмондонлиги тегишли расмий ахборот эълон қилди.

Агентликларнинг берган хабарларидан маълум бўлишича, мамлакатда ҳокимият рақобат қилувчи ҳарбий гуруҳлардан бирининг қўлига ўтган.

НЬЮ-ЙОРК, 3 март. (ТАСС). Генерал Николас Линдлей Перудаги ҳукмрон ҳарбий хунтанинг бошлиғи қилиб тайинланди, деб хабар беради ЮПИ агентлиги. Қуролли кучлар томонидан бугун ҳокимият тепасидан олиб ташланган генерал Перес Годой ҳукуматида Линдлей ҳарбий министр вазифасини бажарган эди.

ХИТОЙ-ҲИНДИСТОН ЧЕГАРАСИДАГИ АҲВОЛ

Синьхуа агентлиги қуйидагиларни маълум қилди: Хитой ҳукуматининг 1962 йил 21 ноябрдаги баёнотида изҳор қилинган қарорига мувофиқ, Тибет ва Синьцзянь районларининг маҳаллий маъмурлари Хитой томонида 1959 йил 7 ноябрда белгиланган контроль линиядан 20 километр кенгликдаги полосада Хитой — Ҳиндистон чегара районларида 26 маъмурий контроль пунктларини туздилар.

Хитой билан Ҳиндистон ўртасидаги сулҳ музокараларига ёрдам бериш ва Коломбо кенгашининг чақириғига жавобан, дейилади агентлик хабарида, Хитой ҳукумати Хитой томонида 1959 йил 7 ноябрдаги контроль линиясидан 20 километр кенгликдаги полосада жойлашган 4 районни (ўт очишни тўхтатиш вақтида ана шу районлар юзасидан ихтилофлар келиб чиққан эди) эркин ҳолда қолдиришга ва Хитой чегара отрядлари бу ердан олиб чиқиб кетилганидан кейин ҳам ана шу районларда маъмурий контроль пунктлари тузмасликка қарор берди.

(ТАСС).

МАРТИНИКАДА ВАТАНПАРВАРЛАР ҚАМОҚҚА ОЛИНМОҚДА

ПАРИЖ. (ТАСС). «Юманите» газетасининг хабар беришича, Мартиника оролида ёшлар ташкилотларининг раҳбарлари ва актив арбоблари яна қамоққа олинган. Улар мустамлакачилик режимини тугатиш тарафдорларидир. Қамоққа олинганлар орасида Мартиника Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси ҳамда коммунистик ёшлар союзининг бош секретари Ги Дюффон ҳам бор. Мустамлакачиликка қарши ҳаракатнинг тўртта арбоби қаторида февраль ойида қамоққа олинган доктор Анри Пье очлик эълон қилди.

Демократик ташкилотлар ўтказмоқчи бўлган норозилик митинги префект томонидан тақиқланди.

Мамлакатда забастовка ҳаракати авж олиб кетди. 40 мингга яқин меҳнаткаш — заводлар ва вино тайёрловчи корхоналарнинг ишчилари бир ҳафтадан бери забастовка қилмоқда. Мартиника жанубидаги заводларнинг иши бутунлай тўхтаб қолди.



Чили меҳнаткашлари ўз ҳуқуқлари учун курашмоқдалар. Яқинда Сант-Ягода ишчилар билан полиция ўртасида тўқнашув бўлди. Полиция қўзғолончилардан қаттиқ ўч олди. Суратда: ўч олинган жойда. Пренса Латина-ТАСС фотоси.

Хатлардан сатрлар

✦ Бухоро областидаги «Ромитан» совхози марказида янги типда ошхона қурилиб, ишга туширилди.

С. БАРНОЕВ.

✦ Фарғона Киров районидаги «Ўзбекистон» колхозида 500 кишилик кино-театр шунингдек, универмаг, туғруқхона, алоқа бўлими, ошхона, чойхона қурилиб фойдаланишга топширилди.

Н. АБДУЛЛАЕВ.

✦ Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги эски Тошкент қишлоқ Советида янги гастроном қад кўтарди.

И. УРИНБОЕВ.

✦ Қорақалпоғистон пойтахти Нукусда икки қаватли поликлиника ишга туширилди.

Д. ИЗЗАТУЛЛАЕВ.

✦ Пастдарғом район халқ театри коллективи томошабинларга А. Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш» комедиясини кўрсатди.

Б. НАСРИДДИНОВ.

Редактор ўринбосари
А. ИСМОИЛОВ.

ТОМОШАЛАР. ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

5 МАРТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Кўҳна пойтахтимиз** (болалар учун. Н. Кончаловскаянинг асари асосида эшиттириш). 18.40 — **Композитор С. С. Прокофьев** (илмий-оммабоп фильм). 19.40 — **Телевизион янгиликлар.** 19.55 — **Конструкторлик бюросида** (саноат ходимлари учун). 20.15 — К. Гольдони. **Меҳмонхона бекаси** (фильм-спектакль).

Ўзбек тилида: 21.40 — **Биология фанини янги чўққиларга кўтарамиз** (суҳбат). 21.55 — **Телевизион янгиликлар.** 22.10 — **Ёшлар ижоди. Бу кўзларга ишонса бўлади** (Фарҳод Мусажоновнинг ҳикояси асосида телеинсценировка).

22.50 — **Сўнгги ахборот** (ўзбек ва рус тилларида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.15 — **Янгийўлликларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун). 18.35 — **Ҳикоя** (ишлаб чиқариш илғорлари ҳақида). 19.00 — **Ҳамза операси** (Алишер Навоий номли театрдан). Танаффус вақтларида **киножурналлар.**

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА
МЕВАЛИ ДАРАХТ, ТОКЗОР ВА ГУЛЛАРНИ
БАҲОР СОВУҚЛАРИДАН САҚЛАШ УЧУН
КЕРОСИН ДЎКОНЛАРИДА
ТУТУН ШАМЛАРИ
СОТИЛАДИ

Керосин дўконлари: Госпиталь ва Фрунзе бозорларида, Муқимий ва Архитектура кўчаларида, Шиблий бозорда ва Қорасарой кўчасида жойлашган.

Табиатни қўриқлаш ва кўкаламзорлаштириш Ўзбекистон жамияти.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ
КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
6 мартда
Бухарестда бўлиб ўтган Жаҳон фестивали лауреати
ҚУРМАНҒОЗИ НОМЛИ ҚОЗОҚ ДАВЛАТ ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ ОРКЕСТРИНИНГ
КОНЦЕРТИ

Программада: қозоқ куйлари ва қўшиқлари, қардош республикалар композиторлари, рус ва Ғарбий Европа классиклари асарлари.

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Ўзбек давлат
ЭСТРАДА ТЕАТРИДА
5, 6 мартда,
ТАТАР ТЕАТР АНСАМБЛИНИНГ
ГАСТРОЛЛАРИ

Татаристон АССР халқ артисти, Бутуниттифоқ вокалистлар конкурси лауреати
УСМОН АЛЬМИЕВ
ва Давлат филармонияси артистлари қатнашади.

Программада: **Мирҳайдар Файзийнинг «Ёшлар алдатмайди»** деган пьесаси (2 парда, 3 кўринишда) ва катта концерт (музика, ашула, рақс, юмор).

Кеч соат 8 да бошланади. Билетлар кундуз соат 2 дан сотилади.

Ҳамза кўчаси, Марварид тупик, 7-уйда турувчи **Ваҳоб Зиёмуҳамедов**нинг Қорасарой кўчаси, 2-тупик, 2-уйда турувчи Вазифа Зиёмуҳамедовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.
Р 06236 Индекс 64543. Нашр. № 54.